

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

Инглиз тили ва адабиёти кафедраси

406-гуруҳ талабаси Нуралиева Хусния

**“Инглиз ва Америка адабиётида
эмоционал экспрессив лексика тадқиқи”**

5141400 – хорижий тиллар ва адабиёти
(инглиз тили ва адабиёти) таълими йўналиши бўйича
бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Иш раҳбари: катта ўқитувчи М. Якубова

Андижон – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-8
-------------------	------------

Биринчи боб

Икки буюк ёзувчи ҳаёти ва ижодига назар.....	9-21
---	-------------

1.1. Уилки Коллинз – детектив жанр ёзувчиси.....	9-11
--	------

1.2. Эрнест Миллер Хемингуэй ҳаёти ва ижодидан саҳифалар	12-21
--	-------

Иккинчи боб

Уилки Коллинз ва Эрнест Хемингуэй асарларининг бадий, лингвостилистик ва прагматик жиҳатлари	22-50
---	--------------

2.1. Эмоционал-экспрессив тил бирликлари.....	22-31
---	-------

2.2. “Ойтош” асарининг бадий, лингвостилистик ва прагматик хусусиятлари.....	32-41
--	-------

2.3. “Алвидо, қурол!” романида қаҳрамонлар нутқининг лингвистик, стилистик ва прагматик хусусиятлари	42-50
--	-------

Учинчи боб

Таржима ва унинг турлари, У. Коллинзнинг “Ойтош” асари таржимаси масалалари.....	51-69
---	--------------

3.1. Таржима турлари ва уларнинг тавсифи	51-57
--	-------

3.2. Уилки Коллинзнинг “Ойтош” асари таржимаси масалалари.....	57-63
--	-------

3.3. Уилки Коллинз ҳаёти ва ижодини ўргатишнинг технологияси ва усуллари	63-69
--	-------

Хулоса	70-73
---------------------	--------------

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	74-75
--	--------------

КИРИШ

Ёш авлодга ҳар томонлама мукаммал таълим-тарбия бериш доимо долзарб бўлиб келган. Шунинг учун ҳам инсоният олам яратилибдики ўз тараққиётининг илк даврларидан бошлаб, то бугунги кунгача пухта билим ва малака асосида камол топган шахсни орзу қилади. Хатто қулдорлик давридаёқ ворислар тарбиясига катта эътибор қаратилган. Фалсафа фанининг отаси Платон ҳар қандай давлатнинг равнақи шу мамлакат фуқароларининг жисмоний ва мафкуравий тозалик сифати билан чамбарчас боғлиқлигини ҳақли равишда уқтиради. Буюк аллома биринчи бўлиб, ўз қарашларида ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришнинг уйғунлик тизимини ишлаб чиққани билан тарихдан муносиб ўрин олган.

Ҳар жабҳада фидокорлик, шахсий манфаатдан воз кечиш бошқаларга беғаразлик, ҳаётда ҳалоллик, жамият ишига содиқлик буларнинг барчаси машҳур юнон олими яратган фуқаролик андозаларидан, шунингдек бундай умумбашарий сифатларининг жами ватан ва халқ манфаати йўлида ўзини бахшида этиш каби жисмоний кўрсаткичлар билан уйғунлашгандир. Яна бир буюк юнон алломаси Арасту таълимотида гармония тушунчаси эса қарама-қаршиликларининг кўп қиррали мувофиқлик бирлиги деб юритилади.

Мамлакатимизнинг ҳозирги ижтимоий-сиёсий ривожланиш даврида ёшларнинг маънавий бойлигини шаклланиш муаммосига янгича ёндашиш, асосий эътиборни уларнинг ижодий имкониятларини тараққий топишга, бўлажак мутахассиснинг ҳар томонлама камол топишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўқув ва тарбия жараёнида талабанинг онги мунтазам равишда ривожланиб боради. Унинг ҳаёт тарзи, фикрлаш қобиляти, тафаккурининг кучи, идрок қилиш қобиляти, масъулиятни ҳис қилиш қобиляти, ўз бурчини бажаришга интилиш каби жараёнлар унинг шахс сифатида камолга етишида муҳим аҳамият касб этади.

Таълим азал-азалдан инсоннинг ўзлигини англашига, унинг тафаккурини ривожлантиришга одамзотнинг дунёқарашини кенгайтириб чуқур билим олишига имкон яратган. Инсонпарварлик таълим ва тарбиянинг асосида, моҳиятидадир. Амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг таркибий қисми бўлмиш узлуксиз таълим тизимининг замирида ҳам айнан инсонпарварлик ғоялари асос қилиб олинган.

Ёшликнинг ҳар бир дақиқаси, ҳар бир қадами навқирон авлоднинг бутун умрига ўз мухрини қолдиради. Халқимизда ёш авлод, ёш ниҳол қайси томонга қараб бурилса, ўша томонга қараб ўсади, дейилганидек фарзандларимиз камолотига бефарқ бўлиб нотўғри йўлга бошлаш учун кўп куч сарф қилиш талаб қилинмайди. Шундай экан, йигит-қизларни

маънавий таракқиёти йўналишини ўзгартириш у қадар қийин эмас. Зеро уларнинг келажаги бугунги кун тарбиясига бевосита боғлиқдир. [1, 26]

Ҳозирги пайтда чет тилларини ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Бу ҳам, албатта бежиз эмас. Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин олган, ҳамда ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир.

Ўзбекистонда чет тилларини, хусусан инглиз тилини ўқитиш ва ўрганишга бўлган эътибор давлат даражасига кўтарилди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2012 йил 10-декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий қарорини [2, 1-2] олишимиз мумкин. Ушбу қарор 2012 йил 11-декабрда “Халқ сўзи” рўзномасида эълон қилинди ва аҳолининг барча қатламлари, зиёлилар, ота-оналар, ишбилармонлар, ишчи-ходимлар ва ўқувчи талабалар томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Чунки бу қарор айти пайтда чиқарилган, мамлакат порлоқ келажаги, интеллектуал ривожланган, юксак маънавиятли шахснинг замонавий таълим ва тарбия эҳтиёжларидан келиб чиқиб қилинган қарор бўлди.

Ушбу қарорга кўра умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ўқув муассасаларида чет тиллар ўқитувчиларига зарур эҳтиёжи бўлган узоқ туманлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида яшаётган аҳоли ичидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тавсияномалари асосида чет тиллар ўқитувчилари ихтисослигига олий таълим муассасаларига мақсадли қабулни амалга оширишга рухсат этилади.

Мақсадли қабул асосида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган шахслар ўқишни битирганларидан сўнг ўзлари яшайдиган жойларда жойлашган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тавсияномаларида кўрсатилган таълим муассасаларида 5 йилдан кам бўлмаган муддатда олинган мутахассисликлари бўйича яшаб беришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг чет тиллар ўқитувчилари ва муаллимларига қонун ҳужжатлари билан белгиланган рағбатлантирувчи тўловлар ва кўшимчаларни ҳисоблашда, уларнинг лавозим маошлари таркибига киритилган ҳолда қишлоқ жойларида жойлашган таълим муассасаларида уларнинг таъриф ставкаларига 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларида 15 фоиз ставкалари миқдоридаги ҳар ойдаги кўшимчалар қўшиб беришни белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази уч ой муддатда молиялаш манбалари Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар, хорижий кредитлар ва халқаро грантлар, шунингдек ҳомийлар ва хайриячилар маблағлари кўзда тутилган ҳолда, 2013-2016 йилларда таълим муассасалари хорижий тиллар кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг илғор техник воситалари ва анжомлари билан (қўшимча жиҳозлаш) жиҳозлашнинг жадаллаштирилган дастурини ишлаб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда уни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Давлат алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари қўмитаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги болалар ва ёшларнинг манфаатлари ҳамда қизиқишларини инобатга олган ҳолда, қуйидагиларни таъминлайди:

телевидение, шу жумладан, маҳаллий телеканаллар орқали болалар ва ўсмирларни хорижий тилларга ўргатиш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни трансляция қилиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илми ва техникасига бағишланган илмий-оммабоп хорижий бадиий ҳамда мультипликациявий фильмларни ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида мунтазам кўрсатиб боришни амалга ошириш;

“ZiyoNet” тармоғи орқали таълим муассасаларининг халқаро таълим ва билим олиш манбаларига кириш имкониятларини сезиларли орттириш, унинг ресурслари, шахсий компьютерлар ва мобил ускуналар учун иловалар билан бойитиш, шунингдек, инглиз тилида ўқув ва бадиий адабиётлар, ихтисослаштирилган расмлар билан безатилган газеталар ва журналларни чоп этиш, уларга махсус рукнлар ҳамда иловаларни ташкил этиш кабилар.

“Халқимизда тил билган эл билади” деган нақл бор. Бу бежиз айтилмаган. Ҳозирги кунга келиб бир эмас бир нечта чет тилларини билиш талаб этилмоқда. Чунки чет тилларини яхши эгаллаган инсон аслиятдаги бадиий, оммабоп ва илмий асарларни тўғридан-тўғри ўқиш, у ёки бу ҳаётий зарур мазуларда суҳбатлашув, ўз қизиқишлари, танлаган мутахассислиги бўйича эркин фикр билдириш ва фикр алмашиш имкониятига эга бўлади. Шунинг баробарида ўзга тиллар халқлари, уларнинг тарихи, урф-одат ва қадриятлари ҳақида ҳам билимларга эга бўладилар. Бу орқали уларда сўз бойлиги ортади, турли синтактик қурилмаларни нутқда ва турли ҳаётий вазиятларда тўғри қўллаш малакаларига эга бўладилар. Тил ўрганувчилар учун зарур бўлган нутқ маданияти сир-асрорларини эгаллайдилар.

Ушбу битирув малакавий ишнинг **мавзуси** Инглиз ва Америка адабиётида эмоционал-экспрессив лексика тадқиқи деб аталган.

Мавзунинг **долзарблиги** қуйидагиларда кўринади:

- мавзу алоҳида олинган изланиш мавзуси сифатида ўрганилмаганлиги;
- инглиз тилидаги эмоционал-экспрессив тил бирликлари ҳақидаги билимларга эга бўлиб бориш баробарида тил ўрганувчиларда нутқ мулоқоти, маданияти кўникмаларини шакллантириб бориш юзасидаги эҳтиёж ва замонавий талабларни ортганлиги;
- турли расмий ва норасмий мулоқот вазиятларида тил бирликларини тўғри, ўз ўрнида қўллашга ўргатиш бўйича амалий эҳтиёжларнинг пайдо бўлгани.

Тадқиқотнинг объекти Уилки Коллинзнинг ҳаёти, унинг “Ойтош” романи, Э. М. Хемингуэйнинг ҳаёти ва унинг “Алвидо, Қурол!” асари

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаси

Юқоридагилардан келиб чиқиб БМИда инглиз ва америка адабиётида эмоционал-экспрессив лексиканинг ўрнини аниқлаб беришни мақсад қилиб қўйилади.

Ушбу мақсадга эришишда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- Уилки Коллинзни детектив жанр ёзувчиси сифатида таърифлаш;
- Эрнест Миллер Хемингуэй ҳаёти ва ижодидан саҳифалар келтириш;
- Эмоционал-экспрессив тил бирликлари ҳақида тушунча бериш;
- “Ойтош” ва “Алвидо, қурол!” асарларининг бадиий, лингвостилистик ва прагматик хусусиятларини аниқлаш;
- Таржима турлари ва уларнинг тавсифи ҳақида маълумот бериш;
- Уилки Коллинзнинг “Ойтош” асари таржимаси масалалари ёритиш
- Уилки Коллинз ҳаёти ва ижодини ўргатишнинг технологияси ва усуллари ишлаб чиқиш.

БМИда қўлланилган тадқиқот усуллари. Юқоридаги мақсад ва вазифаларни ҳал этишда чоғиштира, трансформацион, компонент таҳлил, матн таҳлили, статистик таҳлил каби тадқиқот усулларига таянган ҳолда иш кўрилди.

БМИнинг илмий янгилиги. Илмий ва ижодий изланишлар натижасида эришилган илмий янгиликлар қуйидагиларни ташкил этади:

- икки буюк адиб Уилки Коллинз ва Э. М. Хемингуэй ҳаёти ва ижоди ҳақида янги маълумотлар берилди;
- “Ойтош” ва “Алвидо, қурол!” асарларининг бадиий, лингвостилистик ва прагматик хусусиятлари аниқланди;
- “Ойтош” асарининг таржимаси масалалари ёритилди;

- Уилки Коллинз ҳаёти ва ижодини ўргатишнинг технологияси ва усуллари ишлаб чиқилди.

БМИнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг натижасида эришилган назарий хулосалардан инглиз тили лексикологияси, инглиз тили стилистикаси, таржима назарияси ва амалиёти, инглиз тили ўқитиш методикаси, фанлари маъруза ва семинар машғулотларида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, БМИ материалларидан замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалар, кўп тиллик луғатлар яратиш фаолиятида ҳам ижодий фойдаланиш мумкин.

БМИнинг режаланиши ва синалиши. Мавзу инглиз тили ва адабиёти кафедрасининг 2012 йил 27-августдаги №1-сонли йиғилишида муҳокама этилган ва тасдиқланган. Мавзу бўйича яратилган услубий тавсиялар ва мулоқот маданиятига йўналтирилган машқлар педагогик амалиёт чоғида синовдан ўтказилди.

БМИнинг ҳажми ва тузилиши. Иш кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 74 саҳифани ташкил этди.

1. ИККИ БУЮК ЁЗУВЧИ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА НАЗАР

1.1. Уилки Коллинз – детектив жанр ёзувчиси

Ўзининг шахсий ҳаёти ва ижтимоий асарлари билан китобхонларни ҳайратга солган инглиз ёзувчиси Уилки Коллинзнинг кўп асарлари рухий касал кишиларнинг раҳмдиллик билан тасвирланган портретини ўз ичига олади. Танқидчилар Коллинзнинг инглизча детектив асарлари кашфиётини тез-тез танқид қилиб туришади. У Пое ва Габоряв ишларидан хабардор бўлгач, эски ички ва ижтимоий асарлар йўналишида ижод қилди. Инглизча бадиий асарларида, яъни улардан бири “Moonstone” – “Ойтош” асаридаги сержант Куф детектив қаҳрамон тимсоли бўлди. Дорози Сейерс уни барча детектив қиссалар ичида энг ажойиби бўлса керак, деб айтган.

Уилки Коллинз Лондонда туғилган. Унинг отаси Вильям Коллинз рассом ҳамда қирол академиясининг тўлиқ аъзоси бўлган. Унинг онаси Харрит Коллинз рассомнинг кизи бўлганлиги туфайли, у ҳам рассомчилик асарларига қизиқар эди. Улар фидоий жуфтлик эдилар. Ёш Уилки акаси билан ишончли хонадонда ўсиб улғайдилар. Лекин Уилки Коллинзнинг болалиги касалликлар билан ўтди. У кичкина эди, бош суяги нозик ва ўсиш мувозанати бузилган эди. Уилкига хусусий таълим беришди.

У бир қанча йил рассомчиликка ўқиди. Ўн бир ёшида у мактабга бора бошлади. Лекин ўқув йилининг охирида оиласи билан биргаликда Италияга кўчиб кетдилар. У ерда Вильям Коллинз усталарни ўқитди. Икки йил сайёҳатдан сўнг улар Англияга қайтиб

келдилар. Отасининг ёрдами билан Уилки чой экспорт қилиш корхонасидан иш топди. Бу давр мобайнида у асар ёза бошлади. Уилки Коллинзнинг биринчи ҳикояси “The Last Stagecoachman” 1843 йилда чоп этилган. Кейин Уилки Коллинз Линколндаги Институтда қонунчиликка-ҳуқуқшуносликка ўқиди. Ва биринчи асари бўлмиш Бульвер Литтоннинг услубида ёзилган “Антонина ёхуд Римнинг қулаши” асари устида ғайрат билан ишлади.

Уилки Коллинз 27 ёшида ҳуқуқшунос бўлди. У ўзининг ҳуқуқшунослик бўйича олган билимларини ўз асарларида акс эттирган. Унинг отаси 1847 йилда вафот этди. Уилки Коллинзда янги орзу, яъни ўз отасининг таржимаий ҳоли ҳақида ёзиш мақсади пайдо бўлди. 1848 йилда у орзусига етди. Ўз отасининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзди. 1851 йилда у Чарлз Дикенс билан дўстлашди. Дикенснинг Кристмасга оид китобларини мувофакиятларидан руҳланиб Уилки Коллинз 1852 йилда “Жаноб Рейннинг катмони” асарини ёзди. У 1856 йилда Дикенснинг оила аъзолари қаторига қўшилди. У билан журналлар учун мақолалар ёзишда ҳамкорлик қилди. Дикенс Коллинзга китобларини ёзишда материаллар ва қаҳрамонлар топишда ёрдам берди.

Уилки Коллинзнинг Марта хоним билан қариндошлиги бор эди. Уилки унинг учта боласи билан яхши чиқишар эди. 1868 йилга қадар Марта хоним у билан турмуш ўрток сифатида Лондонда яшади. Уилки Коллинз тул хотин Королина Гравесни учратди ва у аёл Коллинзнинг умрини охиригача дастлаб хизматкори сўнг турмуш ўртоғи бўлиб бирга яшади. 1868 йилда Королина Жозеф Кладига турмушга чиқди, лекин икки йил ичида у Коллинзнинг ҳузурига қайтиб келди. “The Woman in White” асарида Уилки Коллинз иккита қарама-қарши характерли аёлларни тасвирлаган. Бири тунд ва бири очиқ. Бу китоб ярамас Персивал Глайднинг ёвуз Италиян Каунт Фоско ёрдамида хотинининг меросини ўғирлашга қаратилган фитнаси ҳақидаги ҳикояни ўз ичига олади.

1860 йилда Уилки Коллинзнинг “No Name” – “Номи йўқ” асари чоп этилди. Бу асарда ёш аёл ва унинг синглиси ҳақида, уларининг отасининг ўлиmidан кейинги ночор ҳаёти тўғрисида ёзилган. Аёл отасидан қолган, тортиб олинган меросни қайтариб олишга уринади.

“Armada” асари 1866 йилда ёзилган бўлиб, у тақдир, жиноий жавобгарлик, яъни қаллоблик, ёлғончилик, қотиллик ҳақида. Қаҳрамон аёл Лидиа Гуилтга қарши ёзилган. Лидиа Гуилт “замонавий ҳиссиётнинг биринчи кўриниши” деб атарди.

Биринчи инглиз детектив қиссаси бўлмиш “Moonstone” асарида Уилки Коллинз сержант Куф образини яратди. Бу образ келажак авлодга ўзининг кўп ажойиб феъл-атворлари билан ўрнатилган бўла олди. “Мени ҳамма нарса билан қизиқаверишга ортиқча вақтим йўқ”, дейди сержант Куф. “Лекин, қачонки менга назокат ва латофат улашиш имкони туғилса, кўпинча менга атиргуллар ёрдам беради”.

Бу асарда Куф мамлакат аҳолисига улкан тарихга эга бўлган олмосни ким ўғирлаганини очиш ҳақида интервью беради. “Moonstone” асари ойпарастлик касаллиги, афюн тажрибалари, шарқдаги сеҳргарликлар ва учта сирли хиндулар ҳақидаги хабарларни ҳам ўз ичига олган. Асарда бу воқеаларнинг турли қирралари очилади. Хукукшуносликнинг жиноий хулқи ўрта синф кишиларини ташвишга солишини Уилки айтиб ўтади. Текширувчилардан бири афюн таъсири остида билмаган ҳолда жиноят содир этган. Ҳикоячи “The Terribly Strange Bed” номли кичик ҳикоясида фаолияти сабабли ўлдирилган. Масала Парижда очилган. Ҳикоячи коллеж таълимини қисқа вақтда тугатдан сўнг, қизиқиш уйғотадиган таниқли учбурчак шаклидаги уйни қидиради, аммо замонавий ва қоронғу учбурчак шаклдаги уйни топди. У хаддан ташқари омадли бўлиб, ҳар вақт голиб бўлган.

1860 йиллар давомида Уилки Коллинз ревматизм касаллигидан азоб чека бошлади. Дарддан қийналаётган бўлса ҳам ёзишдан тўхтамади. “Янги Магдалина” асарида у қолок аёлларга нисбатан муносабатини билдиради.

Уилки Коллинз 1889 йил 23-сентябрда фалаждан вафот этди. Ҳеч қачон эскиликни ёқловчи суҳбатларда бўш келмаган Коллинз ўзининг кўмиш маросимини оддий бўлишини истаган. Унинг сўнгги романи “Blind Will”да 1890 йиллардаги табақаланишнинг пайдо бўлиши кўрсатилган ва Волтер Безант томонидан ниҳоясига етказилган. [26-27]

1.2. Эрнест Миллер Хемингуэй ҳаёти ва ижодидан саҳифалар

Адабиёт ихлосмандлари орасида Э.М.Хемингуэй номини билмаган ўқувчи бўлмаса керак. Э.М.Хемингуэй XX аср Америка адабиётининг йирик намоёндаларидан бири бўлиб, унинг адабий асарлари Америка мумтоз адабиётининг дурдоналари ҳисобланади. У сермахсул ёзувчи сифатида ҳам Америка адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутади. Ҳаётлик чоғида адиб еттита роман, олтита қисқа ҳикоялар тўплами, иккита нобадий асарлар яратди, вафотидан сўнг учта роман, тўртта ҳикоялар тўплами, учта нобадий асарлар нашр этилди.

Эрнест Хемингуэй 1899 йил 21 июлда Иллиноис штатининг Чикаго шаҳри яқинидаги Оук Парк шаҳрида таваллуд топади. У зиёли оиласида дунёга келади. Эрнестнинг отаси Кларенс Эдмондс Хемингуэй шифокор, онаси Грейс Хом-Хемингуэй созанда эди. [4, 74]

Улар обрўли эътиборли, маърифатли инсонлар эди. Ёзувчининг ота-онаси, 1896 йили турмуш қурадилар ва Грейснинг отасини уйига кўчиб ўтадилар. Улар биринчи фарзанди (ўғли)га Грейс отасининг исмини берадилар. Бобосининг исми Эрнест Хол эди. Бахтга қарши умр бўйи ёзувчи ўз исмини ёқтирмай яшади. Чунки ёзувчи бу исми Оскар

Уайльднинг “The importance of being Earnest” пьесасидаги гўл ва тентак қаҳрамон исмига тенглаштирарди.

Хемингуейлар оиласи етти ётоқхона, мусиқа ва тиббий хизмат кўрсатиш хонасидан иборат шинамгина уйда истикомат қилишади. Унинг онласи атроф қишлоқларда тез-тез концерт бериб турарди. Эрнестни қанча зўрламасин у мусиқани ўрганишни хоҳламади. Шу боис ҳам улар тез-тез жанжаллашиб қолардилар. Эрнестнинг таржимаи ҳолини яратган Майкл Рейнолдзни таъкидлашча, аслида Эрнест мусиқа машғулотларида кучкуват, илҳом олган. “For whom the bell tolls” асарини ҳам ана шундай шароитларда яратганлигига гувоҳлик беради.

Хемингуэйларнинг Мичиган штати Валлун кўли яқинидаги Виндемия деб аталадиган қишлоқда ёзги дам олиш уйи бўлган. Эрнест Шимолий Мичиган ўрмон ва кўлларида балиқ ови, овчиликни ўрганди. Бу унда табиатга нисбатан муҳаббат уйғотди, билим ва тажрибаларини шакллантирди, саргузашт сари чорлади.

Хемингуэйлар оиласининг иккинчи фарзанди, лекин биринчи ўғил, Оук Парк ва Ривер Скул ўрмончилик олий мактабида 1913-1917 йилларда таҳсил олади. У ерда қатор спорт турлари – бокс, енгил атлетика, сув полоси ва футбол билан фаол шуғулланади. Унинг инглиз тили бўйича баҳолари ҳам яхши эди. Эрнест ва унинг акаси Марселин мактаб оркестрида созанда сифатида икки йил қатнашадилар.

Ўспиринлик йилларида Эрнест Фанни Бигздан журналистика бўйича сабоқлар олди. Эрнест ва Марселин биргаликда мактабнинг “The Trapeze” газетасига мақола ва ҳикоялар тақдим этиб турдилар. Эрнестнинг биринчи мақоласи Чикаго симфоник оркестрининг Оук Паркдаги концертига бағишлаган бўлиб, у 1916 йил январ ойида нашр этилди. Шундай қилиб, у мактаб газетасига мақолалар ёзди, унга муҳаррирлик қила бошлади. Унинг тили спорт репортерлари тилига яқин эди. У ўзига Ринг Ларднер таҳаллусини танлади. Ринг Ларднер “Чикаго Трибюн” газетаси муҳаррири эди.

Марк Твейн, Стивн Крейн, Теодор Драйзер, Синклэя Льюслар каби Хемингуэй романлар ёзишдан аввал журналист сифатида фаолият олиб борди.

Олий мактабни тугатиб у “The Kansas City” газетасига муҳбир сифатида ишга боради. У ерда фақатгина 6 ой ишлаган бўлса-да, газета услубини ўрганди: Қисқа гаплардан фойдаланиш, қисқа параграфларни ишлатиш, инглиз тилини тўғри қўллаш каби маҳоратларни эгаллади.

1918 йилнинг бошларида у Қизил Хож мурожаатига лаббай деб жавоб бериб Италияда шошилиш тиббий ёрдам машинаси ҳайдовчиси бўлишга рози бўлади. Май ойида Нью-Йоркни тарк этади ва Парижга келади. Ўша пайтда шаҳар немислар томонидан тўпга тутилаётган эди. Июнь ойига келиб Хемингуэй Италия frontiга келади,

ташрифнинг биринчи кунёқ Милан шаҳридаги Қурол аслаҳалар ишлаб чиқарувчи фабрикада содир бўлган портлаш жойига боради, у ерда фабрика ишчилари тана аъзолари бўлакларини кўради. Бу мудҳиш ва даҳшатли манзарани у ўзининг “Death in the afternoon” (Куннинг қоқ ўртасидаги ўлим) китобида қуйидагича тасвирлайди:

“Биз ўликларни ажратиб олиб, уларнинг тана аъзолари, қолдиқларини йиғиб олганимизни эслайман”. Бир неча кундан сўнг у фоссалта ди Пиавега бориб жойлашади. Саккизинчи июлда фронтдагиларга шоколад ва сигаретлар тарқатиб қайтгач, оловда қуйиб қолади. Жароҳатига қарамасдан, у Италия аскарини ҳавфсиз жойга олиб чиқади. Бу жасорати учун Италия ҳукумати Хемингуэйнинг кумуш “Жасорат” медали билан тақдирлайди. Ўн саккиз ёшида Хемингуэй ўша воқеа ҳақида қуйидагича ёзади. “Ёш бола туриб урушга борсанг, умр боқий барҳаётлилик тасаввурига эга бўласан. Атрофингда бошқалар ўлади. Лекин сен эмас. Кейин сен жуда ёмон яраланганингда биринчи маротаба бояги ўйингни йўқотасан ва бу ҳол сен билан ҳам содир бўлиши мумкинлигини тушуниб етасан”. [9, 92]

Эрнест Хемингуэй икки оёғидан жароҳат олади ва операция қилинади, дала касалхонасида беш кун ётади ва Миландаги Қизил Хож касалхонасига ўтказилади. Касалхонада у олти ой ётади, у ерда Қизил Хож ҳамшираси Агнес вон Куровскини севиб қолади. Ҳамшира Эрнестдан 7 ёш катта эди. Агнес ва Хемингуэй турмуш қуришга аҳд қилишлари арафасида, Агнес Италия зобитига 1919 йилнинг март ойида унаштирилади. Бу воқеа унинг “A very short story” асарига фактик материал сифатида хизмат қилди. Агнеснинг бевафолиги Хемингуэйни изтиробга солди. Бу уни аёл киши сени ташлаб кетишидан аввал сен уни ташлаб кетишинг керак деган хулосага олиб келди.

1919 йилнинг бошларида уйга қайтади. Қонли тиззаларини кўрган пайтда у ўйларини ота-оналарига айта олмас эди. У бошқа юртда жарроҳлар оёғидан ажраладими ёки йўқми инглизча айта олмаганди. Ўша ёзни у Миччиганда курсдош ўртоқлари билан балиқ овлаб, сайрларда бўлиб ўтказди. Сентябрь ойида бир ҳафта қишлоқда дам олади. Бу қисқа саёҳат унга “Big two – hearted river” ҳикоясини ёзишга руҳлантирди. Бу ярим автобиографик асар қаҳрамони Ник Адамс урушдан қайтиб осойишта ҳаёт кечириш учун қишлоққа кетгани ҳақидаги ҳикоядир.

Хемингуэй анча вақт ишсиз уйда ўтирди. Хемингуэйлар оиласининг бир дўсти унга “Торонта Стар Уикли”га иш таклиф этади. Бошқа иложиси йўқ Эрнест таклифни қабул қилади. Ўша йили кейинроқ ташкилот ёзувчиси, “Торонто Стар Уикли”га чет эл корреспонденти сифатида ишга киради, кейин 1920 йил сентябр ойида у яна Чикагога дўстлари билан яшаш учун кўчиб кетади.

У ойлик “Cooperative Commonwealth” журнали муҳаррири ўринбосари лавозимида ишлади. У ерда Шевуд Андерсон билан учрашади. Авлиё Луислик Хэдли Ричардсон, Хемингуэй хонадошининг опаси Чикагоча келганида Эрнест уни севиб қолади. Кейинроқ у шундай деб ёзади. У мен уйланадиган киз эканлигини билардим. Бу кизкиш сочли хоним Хемингуэйдан саккиз ёш каттароқ эди. Шундай эсада, Хэдли ёшига қараганда ёшроқ кўринарди.

“Хемингуэйнинг аёллари” китоби муаллифи Бернис Керт Хэдлида ёш болаларга хос сифатлар Агнесдан кўра кўпроқ эканлигини айтади. Иккала ошук қалблар турмуш қуришга ва Европага сафар қилишга аҳд қиладилар. Улар Римга ташриф буюришни хоҳлайдилар, лекин Шевуд Андерсон уларни Парижга боришликларини тавсия этади. Улар 1921 йил 3-сентябрь куни турмуш қурадилар. Бундан икки ой ўтиб Хемингуэй Торонто Старга корреспондент сифатида ёлланади, ёш куёв-келин Парижни тарк этадилар. Маерснинг айтишича, Хемингуэй Хэдлига уйланиб гўзал аёлнинг севгисига, яхшигина маблағ ва Европадаги ҳаётига эга бўлади. Хемингуэйнинг биографи Карлос Бейкернинг ёзишича, Парижда ҳаёт, пул алмашинув даражаси қиммат эмаслиги ва у ерда дунёдаги энг машҳур кишилар билан танишиш имконияти борлигидан эди. Хемингуэй Гертруд Стайн, Жеймс Жойс, Эзра Паунд каби ёзувчилар билан учрашади. Айнан мана шу ҳолатлар ёзувчилик шохсуппасига кўтарилишада муҳим туртки бўлди. Ўша даврда Хемингуэй баланд бўйли, келишган, бақувват, кенг елкали, кўй кўзли, чаккалари қизил, жағи тўртбурчак, майин овозли ёш йигит эди.

У ва Хэдли Лотин кварталидаги Руду Кардинал Лемойн 74-уйда яшайдилар. Хемингуэй уйига яқин бинодан хонани ижарага олади ва ишлайди.

Хемингуэй Пабло Пикассо, Жоан Миро ва Жуан Грис каби машҳур рассомлар билан танишади. Америкалик шоира Эзра Паунд Хемингуэйни тўсатдан учратиб қолади. Шоира Эрнест Хемингуэйдан 14 ёш катта эди. 1923 йили Италияга сафарлари чоғида улар қалин дўстга айланадилар ва ўшанда шоира Хемингуэйнинг иқтидорини кашф этади. Паунд, Т.С.Эллиотнинг “The waste land” асарини нашр этиб бўлгач, Хемингуэйни Ирланд ёзувчиси Жеймс Жойсга таништиради. Хемингуэй ва Жойс бирга кўп улфатчилик қилиб юришади.

Париждаги 20 ойлик ҳаёти давомида Хемингуэй 88 та ҳикояни “Торонто Стар” учун тўплади. Бу ҳикоялар “Грек-турк уруши”, балиқ овлари пайтидаги хангомалар, буқалар жанги каби мавзуларга бағишланган. Гаре де Леонда Хэдли эрининг бир томондан тўла қўлёмаларини йўқотиб қўяди. Хемингуэй бундан изтиробга тушади. Бу 1922 йили содир бўлганди. Хэдли хомиладор эканлиги сабабли эр-хотин Торонтога қайтадилар. У ерда 1922 йил 10 октябрда Жон Хэдли Никанор исмли ўғли туғилади. Улар

Торонтодалик пайтида Хемингуэйнинг биринчи китоби “Three stories on Ten poems” нашрдан чиқади. Китоб таркибига кирган икки ҳикоя йўқотилган жомадондан қолган қўлёзмалар эди. Ҳикояларнинг учинчиси ўтган баҳорда Италияда ёзилган эди.

Ойлар ўтмай адибнинг иккинчи китоби (In our times) нашр этилади. Бу тўплам йигирмага яқин ҳикояларни ўз ичига олган эди. Улар адибнинг Испаниядаги даврида дунёга келган эди. Адиб Парижни қўмсади, Торонто у учун зерикарли туюларди. Хемингуэй журналистик ҳаётидан ёзувчиликка қайтишни ҳоҳлаб қолади.

Хемингуэй ва Хэдли Бамби (лақаби) исмли ўғли билан биргаликда 1924 йил январь ойида Парижга қайтадилар. Адиб Форд Мадокс Фордга муҳаррирлик қилади. Унинг саҳифаларида Паунд, Жон Дас Пассос ва Гертруд Стайн асарлари, шунингдек Хемингуэйнинг ҳикоялари (Indian Camp) чоп этилади: “In our time” 1925 йили нашр этилганда Форд куйидаги изохларни беради. “Indian Camp” кўп олқишларга сазовор бўлди. Форд уни ёш ёзувчининг илк, жиддий ҳикояси сифатида баҳолади.

Хемингуэй Ф.Скот Фитзжеральд билан танишади. Улар ўртасида “завқ-шавқ ва душманлик”, дўстлик риштаси ўрнатилади. Фитзжеральднинг ўша йили “The Great Gatsby” асари нашр этилади. Хемингуэй уни ўқийди, ёқтиради ва ўзининг кейинги асари роман бўлиши керак деган фикрга келади. Лекин Америка Қўшма Штатлари танқидчилари Хемингуэй қисқа ҳикояларини ўзининг дарак гаплари ва қаттиқ услуби билан тўлдириб юборган деб айблайдилар.

Хемингуэй Сан Фермин (Памплона)даги фестивалда буқалар жангидан сўнг спортга иштиёқи янада ошди. Бунда у урушнинг шафқатсизлиги беаёвлигини гўзалликка қарши қўяди.

1925 йил июн ойида Хэдли ва Хемингуэй Париждан Памплонага кетадилар. Бу сафар унинг биринчи романини (The sun also rises) ёзишга туртки бўлади. Хемингуэй ушбу романни қайта ишлаш учун олти ой вақт сарфлайди. Қўлёзма Нью-Йоркка апрель ойида етиб келади. Асарни Парижда 1926 йил августда тўла тўғрилаб бўлади. “Скрибнез” нашриёти асарни октябр ойида нашр этади. Бу асар урушдан кейинги авлод тақдирига бағишланган бўлиб, ижобий тақризлар олади ва Хемингуэйнинг энг яхши асари деб эътироф этилади. Бироқ, Хемингуэй кейинроқ аслида умри завола бўлган авлод ҳақида эмаслиги, балки замин адабий асардаги қаҳрамонлар эса умри завола инсонлар эмас деб ёзади.

Хемингуэй “Қуёш яна чиқади” асарини ёзаётган пайтда унинг турмуши бузилади. 1926 йил баҳорида Хэдли эрининг Паулин Пфайфер билан бўлган пинхоний севгисидан хабар топади. Парижга қайтаётиб улар ажралишга қарор қиладилар. Ноябрь ойига келиб Хэдли расман шу илтимос билан мурожаат этади. Мол-мулкларини бўлишиб, Хэдли “The

sun also rises”дан қолган катта қалам ҳаққини олишга рози бўлади, расман 1927 йил январь ойида ажрашадилар. Хемингуэй Паулин Пфейферга Май ойида уйланади.

Пфейфер Арканзас штатидан бўлиб, бадавлат оила фарзанди эди. Уйланишдан аввал Хемингуэй ҳам католик динига киради.

Асал ойдан сўнг адиб ўзининг навбатдаги қисқа ҳикоялар тўпламини яратишни режалаштиради. Бу асар “Men without women” номи остида 1927 йил октябрь ойида нашр этилади. Хемингуэй ва унинг хомиладор рафиқаси Паулин Америкага қайтадилар. Уларнинг ўғли Хемингуэй Канзас Ситида туғилади.

Бу кун июнь ойининг 28 санаси эди (1928 йил). Ўша йил кузда адиб ўғли Бамби билан эди. Улар Флорида поездига ўтиришларидан аввал отаси ўз жонига қасд қилганлиги ҳақидаги хабарни олади, чуқур изтиробга тушади. Январь ойида Францияга кетишдан олдин у “Алвидо Қурол” асарининг қоралама лойиҳасини яратади.

1930 йиллар мобайнида адиб қишларни Ки Вестда, ёзларни Вайомингда ўтказди. У ерда Америка ғарби табиатининг гўзаллигидан завқланади, унга мафтун бўлади, кийик ва айиқлар овлади.

1931 йил 12 ноябрида ёзувчининг учинчи ўғли Грегори Хэнкок Хемингуэй Канзас Ситида дунёга келади. Паулиннинг тоғаси уларга Ки Вестдан уй сотиб олиб беради.

Энди ёзувчи ва унинг рафиқаси Шаркий Африка сафарига 1933 йили отланадилар. Ўн ҳафта давом этган сафар чоғида адиб “Green hills of Africa”, “The snows of Kilimanjaro” асарлари учун фактик материаллар тўплади. Улар Момбаса, Найроби, Мачакос (Кения) Танганйикага боришади. Хемингуэй ич ўтки касалига дучор бўлади ва самолётда Найробига олиб кетилади.

1936-йили ёзувчи журналист Марта Гелхорн билан учрашади ва унга Испаниядаги фукаролар уруши ҳақида Шимолий Америка газетаси учун мақола ёзиб беришга розилик билдиради. Март ойида у Испанияга келади ва даниялик профессор Жорис Ивенс билан фильм сценарийи ёзадилар. 1937 йилнинг охирларида Хемингуэй Марта билан Мадриддалиги чоғида “The Fifth Column” номли пьесасини ёзади.

1939 йилнинг баҳорида Хемингуэй Кубага отланади ва Гаванада Алйос Мундос меҳмонхонасида қўним топади. Тез орада Марта ҳам Кубага етиб келади. Паулин билан ажрашгандан сўнг у Мартага 1940 йил 20 ноябрда уйланади. (Вайоминг штати).

Гелхорн ёзувчини “For whom the Bell tolls” асарини ёзишга ундайди. 1939 йил март ойидан бошлаб, 1940 йил июль ойида тугаллайди, октябрь ойида эса асар нашр этилади. Қизиғи шуки, ушбу асар Куба, Вайоминг ва Сан Валлига қилган сафарлари чоғида яратилади. Асар ўқувчилар эътиборига ўша заҳотиёқ тушади, бир ой мобайнида 500.000 нусха сотилади. Ушбу асар учун Пулитзер мукофотига сазовор бўлади. 1941 йил январь

ойида ёзувчи ва Марта Хитойга сафар қиладилар. Лекин кўп ўтмай улар АҚШ томонидан уруш эълон қилингунга қадар Кубага қайтадилар.

Иккинчи жаҳон уруши даврида адиб (1944 йилнинг июнь, декабрь ойларида) Европада бўлди. У Полковник Чарльз Бак Ланахам ҳам қўл остидаги 22-армия сафида ҳарбий корреспондент сифатида хизмат қилди. Кейинроқ Париж ташқарисидаги қишлоқ полицияси сафида юрди. 1944 йил охирларида Хуртгепвалддаги беаёв жанглarda қатнашади. Ўн еттинчи декабрда Хемингуэй ўпкаси шамоллаб, истмалаб Люксембургга олиб келинади.

Иккинчи жаҳон уруши давридаги жасорати учун ёзувчи 1947 йили “Бронза юлдузи” билан тақдирланади.

Англияга келиб у “Time Magazine” муҳбири Мэри Велш билан Лондонда учрашади. Марта эрининг самолётда Лондонга келишига изнини ололмагач, портловчи ўк-дорилар тўла кемада Лондонга келади. Хемингуэйни автомобиль ҳалокатидан кейин касалхонасида даволанаётган ҳолатда топади. Улар эр-хотинлик муносабатларига 1945 йил Мартида нукта қўядилар. Кубага қайтишдан аввал у Мэри Велш билан учинчи учрашувда унга турмушга чиқишини сўрайди. Ёзувчи 1942 – 1945 йиллар оралиғида ишсиз юрди. 1946 йили ёзувчи Мэрига уйланади.

Урушдан кейинги йилларда икковлари кўп бахтсиз ходисаларга дуч келадилар, кўп бетоб бўладилар. 1945 йилда йўл ҳалокати натижасида мажақланади, пешонаси кейин чап тўпиғини синдириб олади. 1947 йилда ёзувчининг ўғиллари Пэтрик ва Грегорилар ҳам йўл ҳалокатига учрайдилар. Ижодкор дўстларининг ўлими Хемингуэйни изтиробга солади. 1939 йили Йитс ва Форд Мадокс Форд, 1940 йили Скот Фитзжеральд, 1941 йили Шевуд Андерсон ва Жеймс Жойс, 1946 йили Гертруд Стайн, 1947 йили Макс Перкинс вафот этади. Бу даврда бош оғриғига мубтало бўлади, қон босими ошади, қанд касалига йўлиқади. Бу дардларнинг асосий сабаблари бахтсиз ходисалар ва ўта кўп спиртли ичимликлар ичиш эди. Урушдан кейинги йилларда у “The land”, “The sea”, “The air” трилогияси устида ишлайди. Улар бир номга бирлаштирилади ва “The sea book” деб аталади.

1948 йили Хемингуэй ва Мэри Европага борадилар. Италияда Биринчи жаҳон уруши содир бўлган жойларга ташриф буюрадилар, бир оз вақт ўтиб “Across the river and into the trees” устида ишлашни давом эттиради. Китоб 1950-йилда нашр этилади. Келгуси йили у “Чол ва денгиз” асари лойиҳасини ёзади. Бу иш 8 ҳафта давомида бажарилади. Асар учун у 1952 йилда Пулитзер мукофотини олади. Кейин Африкага йўл олади. Улар ўтирган самолёт ҳалокатга учрайди. Бунда Хемингуэй бошдан жароҳат олади. Мэрининг қовурғалари синади. Даволаниш учун Энтеббега борадиган самолёт ҳам портлайди,

Хеменгуэй куймичидан жароҳат олади. Хемингуэйнинг ўлими ҳақидаги ёлғон миш-мишлар тарқалади.

Адабиётдаги муваффақиятлари учун 1954 йили Хемингуэй Нобел мукофотини олади. 1955 йилнинг охирларига бориб Хемингуэй кўрпага михланиб қолади. Бу ҳол 1956 йил бошларигача давом этади. У маълум муддат ичишни бас қилади. Жигари ҳам хаста эди. 1959 йилларга бориб фаолияти кучаяди. “A moveable feast” асарани тугатади. 1959 йили Кубани тарк этади. Кетчумдаги Биг Вуд Риверда уй сотиб олади. У Фидел Кастро ҳукумати билан ҳам яхши муносабатларни сақлаб қолади.

1960 йил ёзида Испанияга қўлёзмаси учун расмлар олгани боради. У ерда ўзини Мэрисиз ёлғиз ҳис қилади. Кейин у Айдахога боради, соғлиги янада ёмонлашади, кўриш қобилияти сусаяди.

Бир неча ой кейин ёзувчи Кечумга қайтади, касалхонада даволанади. 1961 йил 2 июль эрта тонгда у ўзи ёқтирган ов қуролини олади, унга иккита ўқ солади, милтиқни оғзига қаратиб тепкини босади. Унинг мияси сочилиб кетади. Шундай қилиб Хемингуэй ўз жонига қасд қилади. Баъзи адабиётларда унинг ўлими тасодиф эканлиги айтилади. Лекин ўша пайтда адиб руҳан соғлом эмасди. Ёзувчи ўз ўлимини отасининг ўлиmidан кейин ҳам башорат қилган эди. (Отаси ҳам ўз жонига қасд қилган эди). [5, 21-29]

1991 йили ўтказилган тиббий таҳлиллар ҳам бунни тасдиқлади. Унинг опаси Урсула ва акаси Лейсестерлар одам ўз жонига қасд этган эдилар.

Э.Хемингуэй ўлиmidан 5 йил кейин Мэри Хемингуэй ҳам эрини ўз жонига қасд қилганини тасдиқлаганди.

Демак, ёзувчи ҳаёти ранг-баранг, саргушатларига яхши ва ташвишли кунларга бой бўлган.

2. УИЛКИ КОЛЛИНЗ ВА ЭРНЕСТ ХЕМИНГУЭЙ АСАРЛАРИНИНГ БАДИЙ, ЛИНГВОСТИЛИСТИК ВА ПРАГМАТИК ЖИҲАТЛАРИ

2.1. Эмоционал-экспрессив тил бирликлари

Лексика тилнинг муҳим бирлиги сифатида тилшуносликнинг барча бўлимларида ўрганилади. Лексиканинг стилистик хусусияти, стилистик бўёғи ва уларнинг қўлланилиши лексик стилистикада ўрганилади. Лексиканинг предметлик (денотатив) маъноси унинг баҳо (коннотатив) маъноси билан билвосита боғланган бўлади. Лексикадаги коннотатив маъно ва унинг функционал нутқ стилларига, муносабатига кўра ўзбек ва инглиз тили лексикаси асосан иккига: коннотатив маънога эга бўлмаган, барча нутқ стилларида тенг ишлатиладиган, ҳамма учун умумий бўлган нейтрал сўзлар ҳамда коннотатив маъноли, стилистик чегараланган сўзларга бўлинади.

Стилистик нейтрал лексика кундалик турмуш воқеа-ҳодисалари, табиат ва жамиятдаги белги, ҳаракатларнинг атамаси бўлган тўғри маъноли сўзлардир: ой, нон, пахта, шамол, қизил, беш, юз, ўқи, ишла, эрта, кеч. Мана шундай лексикалар кўчма маънода ишлатилса, стилистик бўёққа эга бўлади. коннотатив маъноли сўзлар тушунча ифодалаш билан бирга қўшимча эмоционал-экспрессив ёки баҳо маъносини ҳам ифодалайди: чехра сўзида аташ ва ижобий маъно, афт сўзида аташ ва салбий оттенка мавжуд. Яна солиштиринг: қарамоқ – ўқраймоқ, кулмоқ – илжаймоқ, гапирмоқ – лақилламоқ.

Айрим лексик бирликларнинг ўзагидан коннотатив маъно англашилса (юз-афт, бўш-лаванг), баъзиларига турли қўшимчалар қўшиш (онажон, отахон, қизгина) ёки сўзларни кўчма маънода қўллаш (“тулки”, “қуён” айёр одамга нисбатан) орқали ифодаланади. Лексик бирликлардаги денотатив ва коннотатив маъноларни фарқлай билиш, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда ўз ўрнида ишлатиш зарур. Айрим бадий асарларда, газета ва журнал мақолаларида лексик бирлик танлаб ишлатиш билан боғлиқ қатор камчиликлар учрайди. Масалан, “Сиз билан танишганим билан фахрланаман” бу гапда “билан” кўмакчиси ортиқча ишлатилган. Бу гапни қуйидагича айтган маъқул: Сиз билан танишганимдан фахрланаман. Лексик бирликларни кераксиз ўринда такрор қўллаш ҳам нутқ таъсирчанлигини пасайтиради, тингловчини зериктиради. [7, 52] Буни мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳам қайд этади:

Бир деганни икки демак хуш эмас,
Сўз чу такрор ўлди, дилкаш эмас.

Адабий нутқ лексикасини ҳам олиб қараганда, умумий адабий сўзлар, архаик (эскирган) сўзлар, ўзлаштира сўзлар, чатишмалар ва янги сўзларни қамраб олади. Оғзаки нутқ лексикасида, оғзаки нутқда қўлланилувчи лексика тушунилади. Бунга умум истеъмолдаги сўзлар билан бирга сленг шу билан бир қаторда оғзаки нутқда қўлланилувчи лексиканинг турлари киради. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кўпгина ўзлаштира сўзлар олдинга оғзаки нутқда қўлланилиб кейинчалик адабий тилга ўзлашади. Адабий сўзлар китобий тусда бўлиб, ижобий ёки салбий маъно ифодалашига кўра фарқланади. Масалан, инглиз тилида умумий to begin, to dismiss. Китобий: to commence, to discharge, to bring about, get off, to sack.

Ўзбек тилида эса, умумий бет, бола; китобий юз, чехра, фарзанд; оғзаки сўзлашувда эса, (салбий) афт, турқ, тойча, болакай. [11, 9]

Бундан ташқари поэтик сўзлар мавжуд. Поэтик сўзлар тилда турли бадиий вазифаларни бажаради. Матнда уларни шоирона кўтаринкилик, жозибадорлик, рухий гўзаллик кашф этади. Масалан:

Thus with the year
Seasons return but not to me returns
Day, or sweet approach of ever or morn
Or flocks, or human face divine
(J. Milton)

It is a beauteous evening, calm and free
The holy time is quiet as a Nun
Breathless with aboration
(W. Wordsworth)

Билурмисиз булбул тилини?
У куйлармиш она элини
Она эли эмиш бир бўстон,
Ўзбекистон деган гулистон
Шу томондан учар эмиш у,
Элдан-элга кўчар эмиш у.
(Т. Т.)

Умуммаданиятнинг ажралмас бир қисми бўлган оғзаки ва ёзма нутқ маданиятига, адабий нормага доимо эътибор бериш керак. Демак нутқ бадиий ва стилистик нормага эга. Маълум бир қолипга кирган, кўпчилик томонидан маъқулланган ва тан олинган, актив қўлланишда бўлган тил воситалари йиғиндиси адабий норма саналади.

Маълум шарт-шароитга кўра ўзгариб турадиган қўлланиши кўпчилик томонидан одат тусига кирмаган, маълум стилистик бўёққа эга бўлган тил элементларининг йиғиндиси стилистик нормадир. Ўзбек ва инглиз тили таркибидаги сўзларнинг асосий қисмини умумистеъмолдаги сўзлар ташкил этади. Умумистеъмолдаги лексикага оид сўзларнинг кўпчилик қисми умумтуркий ва ўзбекча сўзлардан иборат. Булар орасида тақлид сўзлар (ялт-юлт, шивир-шивир), талаффуз борасида турли ўзгаришга учраган турли қисқартиришлар (опти-олибди, кепти-келибди), рус тили ва рус тили орқали бошқа сўзлардан ўзлашган сўзлар (духтир-доктор, матацикл-мотоцикл) ни кўплаб учратамиз. Оғзаки нутқ лексиканинг ўзига хос яна бир хусусияти уларни асосан маълум бир товуш ўзгаришлари (фонетик, товуш тушиши, товуш орттирилиши, товуш алмашиниши) билан айтилиши, қўлланишидир. Супра-сурпа, истикон-стакан кабилар. Бу сўзларнинг бадиий асарларда шу ўзгарган шаклларда қўлланиши асар бадиийлигини оширади, образларни тўла шакллантиришга ёрдам беради. Персонаж нутқи маълумки, асар тилининг халқчилиги таъминлайди ва шу йўл билан асарнинг таъсирчанлигини вужудга келтиради.

Сизга ёлғон, худога чин, жоним ўргилсин, бир замон теразадан мўраласам, бир уй хотин, эркак аралаш. Жоним ҳиқ этди-ю, халкумимга келди, турди, ўргилай. Худо кўрсатмасин, агар уларингиз бир айланиб берса борми? “Олам гулистон деяверинг”. Тағинам чидаганга чиқарганакан, бўлмаса, ҳаммамиз адоий тамом бўлдик, денг-а? каби кўпгина стилистик усуллар лексик маънолардан фойдаланишга асосланган. Сўзлар шакл ва мазмун йиғиндисидан иборат бўлиб, улар тушунчани ифодалядилар. Сўзларнинг маънолари ҳар хил бўлиши мумкин. Қандай маъно турлари мавжуд? Бу масала юзасидан олимлар умумий фикрга эга эмаслар, баъзилари маънони нарса ва тушунча ўртасидаги муносабат десалар (Фде. Соссюр), бошқалари маънони – бу сўз қўлланилган вазиятдир, деб биладилар (Блушфилд). Рус тилшунослари лексик маъно деб маълум бир тил тизими ёрдамида тушунчаларнинг ифодаланишини тушунадилар (А. А.). Сўзларнинг маъноси ўрганилар экан сўзнинг семантик тузилиши деган тушунчага ҳам дуч келамиз. [19, 15]

Лексик бирликнинг семантик тузилиши маълум бир тушунчаларни ифодаловчи асосий маънодан ҳамда тушунчаларнинг бошқа қирраларини ифодаловчи нозик маънолардан, қўшимча ёки кўчма маънолар ва улардан ташқари коннотатив (устама) маънолардан – экспрессивликни ифода этувчи маънолардан ташкил топади. Кўп маъноли полисемантик бўлиши маълум, унинг маънолари қуйидагича бўлади: 1. Асосий мантикий маъно. 2. Қўшимча маъно. 3. Номланган маъно ёки атама маъно.

Ҳар бир лексик маъно турларини алоҳида кўриб чиқамиз. Сўзнинг асосий мантикий маъноси – бу нарса ёки ҳодиса ҳақидаги умумий тушунчанинг сўз орқали

ифодаланишидир. Яъни ушбу нарсанинг бир белгиси тарихий шарт-шароитда ривожлана бориб, мазмунан бутун тушунчанинг намоёндаси бўлиб қолган. Тилшуносликка оид адабиётларда маънонинг бу тури тўғри, асосий ва номинатив, денотатив ёки референциал маъно деб аталади. Сўзлар ривожланиш жараёнида қўшимча, ясама маъно орттириши мумкин. У ёки бу маънонинг юзага келишида асос бўладиган маъно асосий маъно, унинг таъсирида (асосида) ҳосил бўлган маъно қўшимча маъно ҳосила маънодир.

Асосий ва ҳосила маънолар йиғиндиси сўзнинг маънавий тизимини ташкил этади. Асосий логик маънолар эркин ва боғлиқ маъноларга ажралади. Буни қуйидаги сўзларнинг семантик тузилишини таҳлил қилганда кўриш мумкин.

Асир 1. Уруш вақтида душман қўлига тушиб, озодликдан маҳрум этилган киши (асир олмоқ). 2. Бирон кимса ёки нарсага берилиб кетган, шайдо бўлган киши, мафтун, банди, қул.

Ёруғ 1. Ёниб кизариб турган нарсадан тарқалиб, мавжудотни кўриш учун имкон берадиган ёғдули энергия, нур (куёш нури). 2. Нур, ёғду тушиб турган (ёруғ) уй. 3. Аниқ равшан, ёркин (ёруғ фикр).

Кўпгина лексик бирликларда мантикда маъно тузилишига яқин бўлмаган маъноларни ифодалаб келади. Ушбу маънолар кўчма хусусиятга эга бўлиб, улар фақат маълум матнгагина тааллуқлидир. Бундай маънолар матний маънолар деб аталади. Кўпгина матний маънолар кенг тарқалмайди, фақатгина шу матннинг ўзига хос бўлади.

Матний маъно сўзнинг семантик тузилишига кирмайди ва фақат матнгагина мавжуд бўлади. “Мерос” сўзи илгари марҳумдан ворисларга қолган мулк маъносини англатган. Отадан қолган мерос. Ҳозир эса адабий мерос, маданий мерос каби маъноларни (маданий бойлик) касб этган. Худди шу фикрларни “кураш” сўзи ҳақида айтсак ҳам бўлади. “Кураш” сўзи миллий кураш, спорт маъносида ишлатилган бўлса, йиқитиш, ғолиб чиқиш учун икки киши ўртасидаги ўзаро беллашув. Ҳозирда бу сўз “интилиш”, “тиришиш” маъносида ҳам қўлланилади.

Эмоционал маъно ҳар қандай маъно сингари сўзда тушунчаларни ифодалашдан ташқари хис-туйғу ва сезгиларни ҳам ифодалайди. Эмоционал маънолар сўзда асосий мантикий маъно билан бирга келиши мумкин. У ўзи яқка ҳолда ёки матнда учраши эҳтимоллан ҳоли эмас. Булар орасида қуйидагилар бор:

Ундов сўзлар – Оҳ!, Иби!, Вой!, Парвардигор!

Қасам, онт ва қарғиш сўзлар – тирранча, худо урсин, сўтак, жодугар ва бошқалар.

Эмоционал маъноси кучли отлар – мухаббат, нафрат, дўст, душман, ойимча, кўзичок, навқирон, мағрур, муқаддас, қувонч, даҳшат ва бошқалар.

Эмоционал маъноси кучли сифатлар – ашаддий, улуғвор, фахрий, фидойи ва бошқалар.

Юқоридаги сўзлар хис-ҳаяжон тушунчасини ифодалайди. Энг кучли эмоционалликни сифат орқали ифодалаш мумкин, чунки улар ундов сўзларга яқин туради. Масалан, кап-катта, қип-қизил, гўзал, ажойиб, улуғ, буюк, кўм-кўк, ям-яшил. Бу сўзларни баъзан “кучайтиргичлар” деб атайдилар. Матний маънолари сўзларнинг эмоционал ёки асосий маъноларида ишлатилган ёки ишлатилмаганлигини билишда муҳим омил эканлигини айтиб ўтмоқ зарур. Ўзининг асосий – мантикий маъносини йўқотиш майлига эга бўлган сўзларга ҳақоратли сўзлар, қарғишлар, қасамлар киради ва улардаги маъно ўрнини кучли эмоционаллик эгаллайди. Масалан, эшшак, ҳайвон, яшшамагур.

Номланган маъно ёки атама бир ҳодиса ёки нарса тушунчасини изоҳлаган ҳолда, фақат бир нарса, шахс ёки жуғрофий номни атайди, ушбу нарсани шунга ўхшаган бошқа нарсалардан фарқлайди. Масалан, Бешёғоч, Ўрда, Қўшқўприк, Бешарик. Бундай маънолар номланган маънолар деб аталади: Ойгул, Пўлат, Шухрат, Саид кабилар. Сўзлар ўртасида катта фарқ бор. Баъзан сўзнинг асосий мантикий маъноси йўқолиб, номланган (атама) маънога айланади. Масалан, Makepeace – кишининг исми у “to make”, “peace”, Shakespeare “to shake”, “spear” ибораларидан олинган. Wargrave сўзи “the grave of the war” иборасидан олинган. Шулар қаторига Brown, Hope, Sweet исмлари ва бошқалар киради. [18, 21]

Бунга тескари бўлган жараёни ҳам кузатиш мумкин, яъни номланган (атама) маънога эга бўлган сўзлар асосий – логик маъноларни эгаллаш мумкин. Масалан, dunce – бефаросат, беақл, бефаҳм. Бу Dunce Scotus одамнинг исмидан пайдо бўлган, boycott сўзи капитан Boycott исмидан пайдо бўлган.[6, 47] Ҳозир бу сўзларнинг номланган (атама) маъноси унутилиб юборилган ва этимологик жиҳатдан қайта тикланиши мумкин. Номланган (атама) маънолар, шунингдек матний ҳам бўлиши мумкин. Шунга кўра биз энди, эмоционал-экспрессив лексиканинг бир қатор хусусиятларини қуйида қайд этмоқчимиз.

Интеллектуал лексика.

Маълум бир тушунчанигина ифодалаб, қўшимча эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлмаган сўзлар интеллектуал лексика дейилади. Масалан: ер, сув, нон, қалам, дафтар, йил, ҳамма, тарбия, масала, юз, қора, қизил, кўрмоқ, бормоқ, исботламоқ ва бошқалар. Илмий-техник терминлар, касб-ҳунарга оид махсус сўзлар, ижтимоий-сиёсий ва умумбашарий лексикага оид баъзи сўзлар ҳам эмоционал бўёққа эга бўлмаганлиги учун интеллектуал лексикага киради. Интеллектуал сўзлар умумистеъмолдаги лексикага хос бўлганлиги сабабли ҳар қандай жанрда ишлатилаверади ва стилистик жиҳатдан чегараланмаган бўлади. Шунга кўра улар стилистик нейтрал лексика деб ҳам юритилади.

Сўз туркумларидан сон (бир, икки, ўн, минг), олмош (мен, ана, бу, сен, шу), кўмакчилар (сингари, сўнг, билан, учун, каби, кейин), боғловчилар (ва, ҳам, аммо, агар, чунки, ёки, токи) деярли интеллектуал лексикага киради.

Эмоционал-экспрессив лексика ва уларнинг турлари

Инглиз ва ўзбек тиллари лексикасида экспрессив ва эмоционал рангдорлик билан боғлиқ бўлган сўзлар кўп. Масалан, қуйидаги сўзлар таъсирли ва ифодалилиқ бўёғига кўра нутққа кўтаринки, тантанали ва улуғвор рух киритади: навқирон (ёшлик), истиқбол (эгалари), мағрур (жарангламоқ), муқаддас (бурч). Тилдаги ўз лексик маъноси билан хистуйғу, кечинма ва ҳаяжонни ифодаловчи сўзлар ҳам бор: севинч, қувонч, табассум, даҳшат, ҳийлагар каби. Баъзи кўп маъноли сўзларнинг тўғри маъносида эмоционал-экспрессивлик яққол сезилади. Масалан, *гумбаз* сўзининг қубба, равоқ маъноларида эмоционал бўёқ бор, лекин кўчган маънода қўпол, бесўнақай, семиз одамни ифодалайди. Худди шунингдек, *мағзава* сўзи ҳам кўчган маъносида мужмал, ланж, сусткаш одамни англатади. Баъзи ҳолатларда синоним сўзлар бир-биридан эмоционал экспрессив бўёғининг камроқ ёки яққол сезилиб туриши билан фарқланади. Юз, чехра, жамол, ораз, бет, афт, башара, турқ каби синоним сўзларнинг кейинги учтаси ўзининг эмоционал-экспрессив рангига кўра олдингилардан ажралиб туради. Афт, башара, турқ сўзларида салбий отенка яққол сезилади. Худди шунингдек бўшанг, лапашанг, ношуд, ландавур, сўтак синоним сўзлари чакқон (эпчил)нинг акси маъноси билан бирлашсада, булардан ландавур, сўтак сўзларида салбий отенка кучлидир.

Сўзларнинг эмоционал-экспрессив маъно хусусияти контекстда реаллашади. Масалан: кўпик, нок сўзлари контекстда салбий баҳо маъносини олиши мумкин. Мақоланинг кўпики кўп. Бу нок одам. (чиникмаган маъносида). Шундай қилиб, сўз бир предмет ёки воқеанинг номини аташдан ташқари жирканиш ва манманлик, менсимаслик, масхара, нафрат, ғазаб, киноя ҳамда хурмат, эркалаш, кўтаринкилик, улуғворлик сингари эмоционал-экспрессив маъноларини ҳам ифодалайди. Шунга кўра сўзлар ижобий маъно оттенкасига эга бўлган сўзлар ва салбий маъно оттенкасига эга бўлган сўзлар деб иккига ажратилади. Ижобий маъно оттенкасига эга бўлган сўзлар қаторига қуйидагилар киради:

а) Эркалаш-суйиш ва хушмуомалаликни билдирувчи сўзлар. Бундай сўзларнинг кўпчилиги эркалаш-кичрайтириш аффикслари ёрдамида ясалади. Тойчоқ, кўзичоқ, кизалоқ, бўталоқ, дўмбоқ, кенжатой, болтабой, опажон, болагинам, айланай, ўргилай, гиргиттон бўлай ва ҳоказо.

б) Тантанали, риторик ҳамда поэтик сўзлар. Бундай сўзлар нутққа дабдабали кўтаринки рух киритади. Кучли ифода воситаси ҳисобланган бундай сўзларнинг кўпчилигини архаик сўзлар ташкил қилади.

Бу туркумдаги сўзларга оғзаки ижодиёт – фольклорда кенг қўлланувчи халқ поэтик сўзларни ҳам киритиш мумкин. Бундай сўзлар адабий тилдаги сўзлардан ўзининг оғзаки-поэтик бўёғи ва дoston қўшиқларига хос хусусияти билан ажралиб туради. Масалан: алп (пахлавон), лопчи (лофчи), хавар (тўғри, текис йўл), бедов (чопкир от), келбатли (қадди-қомати келишган), ҳалолхўр (тўғри, виждонли).

Салбий баҳо оттенкасига эга бўлган сўзлар қаторига қуйидагилар киради:

а) жирканиш ва менсимасликни ифода қилувчи сўзлар: ойимча, ойимтилла, балохўр, пашшахўрда, мазахўрак каби.

б) қарғиш, сўкиш ва ҳақорат маъносини ифода қиладиган сўзлар: зумраша, хумпар, тирранча, лаънати, газанда, окпадар, жиннивачча, жувонмарг.

в) халқ тилидаги ҳазил сўз ва иборалар: аҳмоққа тўқмоқ (кишининг мускул кучини ўлчайдиган асбоб), бошини иккита, оёғини тўртта қилиб қўймоқ (уйлантириш маъносиди).

г) салбий эмоционал бўёққа эга бўлган публицистик лексика. Бундай сўз ва иборалар публицистикада душман ва ёт оқимларни фош этишда кенг қўлланилади. Масалан: қора гуруҳ, сариқ иблис, ирқчилар, океан ортидагилар, бандитлар, босқинчилар, сохталаштирувчилар, йўлчилар, шовинистлар, империалистлар, уруш оловини ёқувчилар, маърифат душманлари каби эмоционал-экспрессив лексикадан фойдаланиш текстнинг умумий стилистик мақсад ва йўналиши билан боғлиқ. Эмоционал хусусиятга эга бўлган сўзлар бадий-публицистик асарларда ҳамда сўзлашув нуткида қўлланилади. Бироқ дағал сўзлар (вулгаризмлар) ва ҳақорат сўзлардан фойдаланишда маълум одоб чегарасида туриш зарур. Қўпол, вулгар, арго сўзларни хатто асарда иштирок этувчи шахсларнинг нуткий характеристикасини бериш мақсадида ишлатишда ҳам эҳтиёт бўлиш керак.

Инглиз тилидаги эмоционал-экспрессив лексикага мисоллар бериб ўтамыз:

to die

1. come to the end of life, cease to live. Ex. Flowers soon die if they are left without water.

2. have a strong wish. Ex. She is dying to know where you've been.

3. pass from human knowledge, be lost. Ex. His fame will never die.

dim

1. not bright, not clearly to be seen: the dim light of a candle.

2. eyesight not able to see clearly: eyes dim with tears.

Ҳар бир тилда шу тилгагина хос барқарор сўз бирикмалари мавжуд бўлиб, уларнинг маъноси умумий сўз бирикмалари маъносидан кучлироқ бўлади. Булар фразеологик бирикмалардир. Фразеологик бирикмаларнинг асосий хусусиятларидан бири уларнинг турғунлигида, яъни барқарорлигида, бошқача қилиб айтганда, бирикманинг

семантик бирлигидадир. Масалан: қош кўяман деб, кўз чиқармоқ. Фразеологик бирикмалар ўзи тегишли бўлган тилнинг бойлиги саналади. Улар нутқда тайёр тил бирлиги тарзида қўлланилади, кўчирилади. Маълум бир образ асосида юзага келган устама, кўчма фразеологик маъно дейилади. Масалан, “тил тегизмоқ” ибораси “шаънига номуносиб, ноҳақ гап айтмоқ” маъносини англатади. Бу маъно тўғридан-тўғри ибора таркибидаги лексемалар маъносидан келиб чиқмайди. Масалан, “Батареяга тил тегизсам, ток йўқ экан” гапида эркин бирикма ишлатилган. Бунда “тил” ва “тегизмоқ” сўзлари маъно мустақиллигини сақлаб қолган. “Менга ҳам тил тегизибди” гапи таркибида эркин бирикма эмас, балки ибора қатнашмоқда. Чунки бу гапда “тил” ва “тегизмоқ” сўзларидан эмас, балки “тил тегизмоқ” иборасидан фойдаланилган. Юқорида айтиб ўтилганидек, фразеологик бирикмалар тилдаги кўпгина образли воситалар таркибида иштирок этади. Фразеологик бирикмаларда биз истиора, метонимия, муболаға, ўхшатиш, перифраза ва бошқа стилистик усулларни кўришимиз мумкин. Суянган тоғи, ишонган боғи (муболаға), пули ознинг ғами оз (такрор). [21, 49]

Фразеологик бирикмаларнинг иккинчи турига тилнинг эмоционал образли манбалари бўлган мақоллар ва маталлар ҳам киради. Кўпгина мақоллар дидактик тусга эга бўлиб, панд-насихатни акс эттиради. Буларнинг оддий фикр мулоҳазалардан фарқи шуки, улар қисқа шаклда кенг мазмунни очиб берадилар. Бундай қисқаликка гапнинг айрим бўлақларини ишлатмаслик натижасида эришилади. Аввал ўйла, кейин сўйла. Унинг тузилишида аллитерациянинг аҳамияти каттадир.

Инглиз ва ўзбек тиллардаги мақолларни қиёслаганимизда, озми-кўпми улар орасидаги ўхшашлик кўзга ташланади. Масалан: No rose without a thorn – Тикансиз гул бўлмас. A word is enough to the wise – Донога бир гап кифоя. Be swift to hear, slow to speak – Оз сўзла, кўп тингла. Strike while the iron is hot – Темирни қизиғида бос. [10, 21]

2.2. “Ойтош” асарининг бадий, лингвостилистик ва прагматик хусусиятлари

“Ойтош” романи муаллиф баёни, асардаги образлар ўртасида кечган диалоглар ҳамда баъзи (X боб) жойларда хат тарзида ёзилган матнлар қоришмасидан иборат. У икки фасл ва еттита баён (narrative)дан ташкил топади. Асарнинг биринчи фасли (period) “The loss of the Diamond” (1848) деб аталиб, 23 бобни ўз ичига олади. Иккинчи фасли эса “The discovery of the Truth” (1848-1849) деб аталиб, у еттита ҳикоя (баён)дан иборат. Биринчи ҳикоя саккиз, иккинчи ҳикоя уч, учинчи ҳикоя ўн, тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи ҳикоялар бир бобни ўз ичига олади. Асарнинг эпилог қисми “The finding of the Diamond” икки қисқа боблардан иборат. Шунингдек, асарда сўз боши ҳам бўлиб, у “The storming of Seringapatam” (1799) деб номланган.

Асар XVIII аср охири XIX асрнинг биринчи ярмида Хиндистонда Сарик Гавхар, дуру-жавохирлар ва олтин хазинаси атрофида содир бўлган воқеалардан иборат. Асар ҳақида гапирганда унинг тили содда ва ўқувчи учун тушунарли эканлигини таъкидлаш лозим. Масалан, асарнинг иккинчи фасли, иккинчи боби (88-92 саҳифалар) бўйича ўтказилган статистик тадқиқотлар бобда жами 88-саҳифада 74та гап бўлиб, улардан 50таси содда, 24таси эса қўшма гаплардан иборат эканлигини кўрсатди. Лекин содда гап таркибига кирган мураккаб таркибли содда гаплар 30та (70-75%)ни ташкил этди. Қўшма гаплар асосан аниқловчи, тўлдирувчи, шарт эргаш гапли қўшма гаплар ва боғланган (*and* боғловчили) қўшма гаплардан иборат бўлди. Ушбу бобнинг 89-саҳифасида асар қаҳрамонлари ўртасида қисқа мулоқот (диалог)ларни акс эттирган. Диалоглар таркибига кирган гаплар асосан содда икки составли, бир составли ва эллиптик гаплардир:

- Have the police done anything, Godfrey?
- Nothing whatever (Collins, 89)
- And not a trace of them has been discovered?
- Not a trace.
- Some people think so. (Collins, 89)
- You never saw him before you and he met accidentally at the bank.
- Never (Collins, 89)

Юқоридагилардан келиб чиқиб муаллиф баёни тилидан кўра қаҳрамонлар мулоқотида учрайдиган тил бирликлари анча содда қурилишга эга, лўнда ва қисқа деган хулосага келдик.

Албатта бу тасодифий эмас, жонли, икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасида маълум мавзу ёки эркин суҳбатда мулоқот учун зарур янги маълумотлар, хабарлар берилади ёки олинади. Мулоқот жараёнида қисқа вақт мобайнида кўп маълумот олишга ҳаракат қилинади, мақсадга тезроқ эришишга интилинади. Шу сабабли мулоқот иштирокчилари бир-бирларига маълум бўлган маълумот ва хабарларни ёки уларнинг қисмларини тилга олмай кетадилар. Шаклан шундай бўлсада тушуриб қолдирилган маълумотни ташувчи бўлак суҳбатдошларга аён бўлади. Бу ҳодиса эллипсис деб аталиб, суҳбатдошлар мақсад ва ниятларидан келиб чиқиб содир бўлгани учун уни экстралингвистик эллипсис ҳодисаси деб атаймиз. Бунда гапнинг бош бўлаклари (эга ва кесим) ёки кесимнинг бир қисми, иккинчи даражали бўлаклар (тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол), бутун бир гап конкрет вазиятларда эллипсисга учраши аниқланди:

- Have the police done anything, Godfrey?
- (The police have done) nothing whatever.

Ушбу гапда эга ва кесим эллипсисга учрайди. Гап тўлдирувчидан иборат холос. Ёки қуйидаги гапда гап кесими ва аниқловчи эллипсисга учраган:

- And not a free of them has been discovered?
- Not a trace (of them has been discovered) (Collins, 89)

Қуйида берилган гапда эга ва кесим эллипсисга учраган бўлиб, суҳбатдошни нима деганлиги қизиқтирмакда.

- What did you do to them?
- (I said) Just what you said, dear Rachel, to me. (Collins, 100)

Бу гапда бош гап эллипсисга учрамакда.

- What do you mean? гапида сўроқ тўлдирувчига берилгани учун жавобда тўлдирувчининг ўзи келмакда, эга ва кесим тушуриб қолдирилмакда: Insult (Collins, 111)

Асар матни тилини содда бўлишида субституция ҳодисаси ҳам қўлланилган. У ёки бу гап бўлаги ёки бутун гапнинг ўрнига ихчам, унинг ўрнини босувчи сўз ёки конструкция қўлланилган:

- Have you submitted?
- Yes. (I have submitted) (Collins, 108)

Yes ва No лар бутун бир гап ўрнида *one, that, it* кабилар эса у ёки бу гап бўлаги ўрнида қўлланилиши мумкин. Булар асар тилини, ифодани содда тарзда амалга оширишга имконият яратган. Шунингдек, асар матнида эллипсиснинг яна бир тури, интра лингвистик эллипсис ҳам кўп учрайди. Бу шундай синтактик жараёни, асар матнида гап ёки унинг бўлақларини эллипсисга учраши тилнинг ички қонуниятлари орқали амалга ошади. Масалан: Stop!, Oh, don't say so! (Collins, 113). Don't forget, sir. Let me dry my eyes and return to my narrative. Don't tempt me. (Collins, 102)

Юқоридаги гаплар буйруқ гаплар тоифасига кириб, инглиз тили қоидаларига кўра бундай гапларда эга мавжуд бўлмайдди. Бу нормал ҳолат ҳисобланади. Бу тоифа гапларга suppose, welcome билан бошланган гаплар ҳам киради: Suppose you were asked to express your opinion of Mr. Godfrey Ablewhite's conduct? She began (Collins, 117). Welcome back to the old place, Mr. Franklin. (Collins, 11)

Диалогик дискурс жараёнида муаллиф юқорида биз санаб ўтган синтактик конструкцияларнинг деярли барчасини қўллаган. Шулар ичида сўроқ гаплар ва дарак гаплар талайгина.

- What are you crying about?
- About the years that are gone, Mr. Betteredge. My past life still comes back to me sometimes.

- Come, come, my girl. Your past life is all sponged out. Why can't you forget it?
(Collins, 10)

Ҳозирги замон инглиз тилида сўроқ гапларнинг бош (умумий, махсус, тасдиқ, танлов ва риторик) тури мавжуд эканлигини биламиз. Асар матнида ана шуларнинг барчасига дуч келдик. Лекин асар матнида инглиз тили қоидаларига мос тушмайдиган, ундан четлашган сўроқ гапларни ҳам учратдикки, бу ҳолат тил ўз қонуниятларига, жонли нутқ ўз қонуниятларига эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Асарда муаллиф воқеаларни баён этар экан орада савол беради ва унга ўзи жавоб беради. Бу билан у воқеага ўқувчи эътиборини тортишга ҳаракат қилади, у ёки бу воқеага нисбатан ўз муносабатини билдиради. Шунинг баробарида ўқувчини “Сиз нима деб ўйлайсиз?”, “Сизнинг фикрингиз қандай?” деган саволлар бўйича бош қотиришга ундайди. Масалан, What do you think she wanted? She wanted to have the three Indian jugglers instantly take up, that they knew who was coming from London to visit us...(Collins,). Бундай гаплар синтактик стилистик воситалар қаторига кириб матн ифодалилиги, гап бўёқдорлигини таъминлайди.

Асар матнида тасдиқ сўроқ гаплар ҳам учрайдики, улар гап муаллифи ёки бу фикрни тўғри ёки нотўғри эканлигини тасдиқлатиб олишини ифодалаб келади: I do my work? don't I? (Collins, 10). Ушбу гапни турлича талқин этиш мумкин: Мен ўз ишимни қиябман-а?, Мен ўз ишимни бажаряпман, шундай эмасми?, Мен зиммамдаги вазифаларни адо этябман-ку. кабилар. Дастлабки икки гап мазмунан тасдиқ сўроқ гап ҳисобланса, охирги гап дарак маъносида келябди.

Қуйидаги Isn't it wonderful? Isn't it terrible? (Collins, 10) гаплари умумий сўроқ гаплар бўлиб, улар матнда жавобга эга эмаслар. Чунки бу умумий сўроқ гаплар тасдиқ маъносида қўлланган. Уларни ўзбек тилига Ажойиб-а?, Даҳшатли-а? деб таржима қилиш мумкин. Бу маъно асар матнидаги контекст орқали аниқ ифодаланиб келмоқда.

Асар матнида ундов гаплар кўп учраганига гувоҳ бўлдик. Бу ҳол асар қаҳрамонлари нутқи хис-ҳаяжонли вазиятларга бой эканлигидан дарак беради. At any rate I forgot myself in the interest of guessing this new riddle I said rashly, “The stained dress!” (Collins, 53), Oh, what heathen advice! I thought to myself. “In this Christian country, what heathen advice!” (Collins, 87), Rachel, darling! (Collins, 88). But, oh, don't let us judge! My Christian friends, don't let us judge! (Collins, 90) Tell her, Godfrey! entreated my aunt. Nothing can do her such harm as your silence is doing now! (Collins, 90). Her will! (Collins, 92). Two doctors! And oh me (in Rachel's state), not one clergyman! (Collins, 93). Sorrow and sympathy! Oh, what Pagan emotions to expect from a Christian English woman anchored firmly her faith! (Collins, 93). I'll do it to-day! (Collins, 99). Don't say that Rachel! If you only knew how much

happier I am here, with you! (Collins, 100). Can you ask me the question! (Collins, 101). Don't notice me! Don't pity me! For God's sake, go away! Noble creature! No more than that! Godfrey! "You must be mad!" (Collins, 101). My angel! Take me! (Collins, 102). Why didn't I speak to you! Why didn't I speak to you! (Collins, 140). What have you done! (Collins, 147). Oh, why go back to it! Why go back to it! (Collins, 149).

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, дарак бўлишли ёки бўлишсиз, умумий махсус, буйруқ гаплар ва хаттоки қўшма гаплар ҳам ундов гап шаклида келиши мумкин экан. Улар асардаги қахрамонлар нутқида хос бўлиб, турли ҳаётий вазиятларда уларнинг рухий кечинмалари, психологик ҳолати, турли воқеа-ҳодисаларга ижобий ёки салбий муносабатларини ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан, асарнинг 140-саҳифасида матн муаллифи ва мистер Франклин ўртасидаги суҳбатда муаллиф Франклинга гавҳарни у ўғирлаганлиги, Лондонда у учун яхшигина пул тўлайдиган харидор бўлганлигини, ҳозир эса кеч бўлганлигини минг афсуслар билан таъкидлайди. Бурч нуктаи назаридан ҳам, имкониятни бой берганиликлари нуктаи назаридан ҳам қийналади. Агар суҳбат бошида "Why didn't I stop you? Why didn't I call out?" (Нима учун сизни тўхтатмадим? Нима учун мендан нидо чиқмади?) махсус сўроқ гаплар келган бўлса, унинг ўртасида бу афсус, пушаймон янада кучаяди. Бу махсус ундов гаплар орқали ифода этилмоқда: Why didn't I speak to you! Why didn't I speak to you! (Collins, 140) (Нима учун сиз билан гаплашмадим-а! Нера!). Бу ерда хис-ҳаяжон, аниқроғи пушаймон махсус ундов гапни такрорланиши орқали кучаймоқда. Бу маъно матн давомида бир неча баён жараёнидаги саволлар (question-in-the narrative) орқали ҳам ўз ифодасини топмоқда: Where is the use of my dwelling in this way on my own folly? The plain truth is plain enough surely? Is such madness as this to be accounted for? (Collins, 141)

Ундов сўроқ гапларда "?" сўроқ белгиси ўрнида "!" ундов белгиси қўлланиши унинг семантик ва стилистик хусусиятлари ҳақида мавжуд адабиётларда маълумотлар йўқ ҳисоби. Ёшларни у ёки бу ёзувчи асарлари таҳлиliga ўргатиш чоғида жонли нутққа хос ғайриодатий гаплар ҳақидаги билимлар билан ҳам куроллантиришимиз даркор деб ўйлаймиз. Асар матнида ундов буйруқ гаплар ҳам талайгина бўлиб, улар у ёки бу қахрамон нутқида бирон-бир иш-ҳаракат ёки ҳолатни турли кайфиятлар ҳолатида бажариш зарурлиги ёки зарур эмаслигини қатъий хошиш, ирода кучли эканлигини ифодалаб келади: Stop! (Collins, 134), Come along! (Collins, 132), Oh, don't say so! (Collins, 113) Stop! I said - Stop! Асарнинг 113-саҳифаларида Рачел ва Друсилла ўртасида кечган мулоқотда бир қанча ундов буйруқ буйруқ ва дарак гапларни учратдик. Ушбу матнда Рачел Друсиллани тарк этиб мистер Браф қарамоғига яшаш учун кетишга қарор қилганлигини айтади. Бу кутилмаган қарордан Друсилла довдираб қолади ва дейди:

ёзувчи асарлари Stop! I said - Stop! I must be heard. My Bruff! You are not related to her, and I am. I invite her. I summon the executors to appoint me guardian. Rachel, dearest Rachel, I offer you my modest home; come to London by the next train, love, and share it with me! (Collins, 113) Рачел айтади: “You are very kind, Drusilla” she said. “I shall hope to visit you whenever I happen to be in London. But I have accepted Mr. Bruff’s invitation, and I think it will be best, for the present, if I remain under Mr. Bruff’s care” Брусилла яна: “Oh, don’t say so! I pleaded. I can’t part with you, Rachel – I can’t part with you!” Oh, Rachel! Rachel! (Collins, 113)

Рачел айтади: “Surely”, she said. This is a very unnecessary display of agitation! I don’t understand it! (Collins, 113) Юқоридаги ундов гаплар Друсилла чуқур вахимага тушуб қолган маъносини чиқариб юбормаслик борасида изтиробга тушаётганидан дарак бериб турибди.

Қахрамонлар нутқида жонли нутққа хос дарак сўроқ гаплар ҳам кўп учрайди. And so he recommended you to come to me? (Collins, 119), Rosanna Spearman had once been a thief? (Collins, 134), The plain truth is plain enough, surely? A chance in my favour? I repeated in the greatest surprise (Collins, 145). Бу гаплар ҳақида ҳам махсус адабиётларда зарур маълумотлар мавжуд эмас. Бу гаплар жонли нутққа хос бўлиб, улар шаклан дарак гапга ўхшайдилар, лекин сўроқ оҳангига эгалар. Таҳлиллар бу тоифа гаплар кутилмаган хабар, воқеадан ажабланиш, ҳайратга тушиш кабиларни ифодалаб келадилар. Бу гапларни суҳбатдошга, ўқувчига таъсирчанлиги кучли ҳисобланади.

Асарнинг 122-саҳифасида “Tammie Bright!” he shouted at the top of his voice – “I hear you!” “Tammie shouted back”. The Sergeant said it! cried Betteredge. (Collins, 132).

Юқоридаги мисолларда ундов дарак гаплар бўлиб, Тэми ва Бетереж иш устида, вақт тигиз, улар асабий ҳолатда бир-бирларига бақиришмоқда. Бу гаплардаги ундов ҳис-ҳаяжон кучли эканлигини кўрсатиб бермоқда.

“Ойтош” асари матнида (диалогларда) қатор такрор сўз, ибора ва жумлалар борки, улар ҳам нутқ таъсирчанлигини, фикр ифодалилигини таъминлашга хизмат қилади: “Who-who-who!” he said stammering with rage, “who asked this impudent fanatic into the house? Did you?” (Collins, 112) Stop! Stop! Rachel, dearest Rachel, I offer you my modest home! I can’t part with you, Rachel – I can’t part with you! Oh, Rachel! Rachel! I burst out, why didn’t I speak to you! Why didn’t I speak to you! (Collins, 140) Does you credit, my dear sir – does you credit! (Collins, 144) You were once a gentleman you were once dear to my mother...(Collins, 147) Why go back to it! Why go back to it! (Collins, 149)

Асарнинг 112-саҳифасидаги “who” уч маротаба такрорланган гап иштирок этган мулоқот вазиятида Мистер Эблвайт Мис Клэкнинг унинг уйига, албатта унинг рухсатисиз

Рачел таклиф қилганидан жаҳли чиққан ҳолат. Қаҳри жумбушга келганидан айтар сўзини топа олмай дудукланади: Ким-ким-ким уйга бу овсарни ким киритди? Сенми?

Шу саҳифада ҳам такрор, ҳам параллел конструкция қўлланилганки, улар суҳбатдошнинг бемавруд ҳиссиётларини, жазавасини пасайтиришга, уни тинчлантиришга сабаб бўлади. Words of comfort, words of wisdom, words of love – the blessed, blessed, blessed words of Miss Jane Ann Stainper! “Blessed” сўзи гапда уч марта такрорланиб, “words” сўзининг маъносини кучайтириб келмоқда. Бу гапни қуйидагича таржима қиламиз: Мисс Жейн Эн Стэмпэнинг энг ўйчан фатво сўзлари хотиржамлик, донишмандлик, муҳаббат сўзларидир.

Кейинги мисолларда қаҳрамонлардан бири Мистер Эблвайт Рачелнинг уни тарк этаётганидан довдираб, нима қилишлигини билмай қолган ҳолат. Асаблари кутилмаган воқеадан жуда ёмонлашган ҳолат. Бундай ҳолатни stop, Rachel сўзлари ва I can’t part with you! Гапини икки маротабадан такрорланиб келиш орқали ифодаланган.

Асар матни ва унинг таркибига кирган тил бирликларининг таъсирчанлиги ва бўёқдорлигини таъминлаш ҳамда ўқувчи эътиборини тортиш мақсадида матндаги, қаҳрамонлар нутқидаги айрим сўз, ибора ва жумлалар, ҳаттоки абзацлар катта ҳарфлар билан ёзилиб берилган. Масалан: I SHALL NEVER MARRY MR. GODFREY ABLEWHITE (Collins, 107), How times flies with YOU! (Collins, 109), He begun to recover himself, he was on the point of breaking out – he WOULD have broken out, with anybody else. (Collins, 112) YOU ask that question of ME? IS ALL sense of gratitude dead in you? (Collins, 147) “Suspect you!” “YOU VILLAIN, I SAW YOU TAKE THE DIAMOND WITH MY OWN EYES!” (Collins, 148) “I WILL know the reason why!” (Collins, 148). (Collins, 107) Varinder HAD received it. (Collins, 126).

Назаримизда агар бутун бир жумла катта ҳарфлар билан ёзилган бўлса, бошдан-оёқ аҳамиятли, агар жумлада бир сўз ажратиб ёзилган бўлса ўша сўз аҳамиятли ва эътиборга лойиқ туюлади. Жумла ёки сўз маъносига берилаётган алоҳида таъкид, алоҳида урғу десак ҳам бўлади.

Жумла (гап) таркибида асосан кесим, эга, кесимнинг бир қисми (HAD received, WOULD come), эгалик олмоши (HIS powers), тўлдирувчи (to YOU), сўз бирикмаси (MY OWN NAME), атоқли от (ROBINSON CRUSOE) кабилар ажратиб ёзилганлигини кўрдик.

Асарнинг 114-саҳифасида “She will have THE LIFE, LETTERS, AND LABOURS OF MISS JANE ANN STAMPER left her as a legally by my will” гапи бор.

Асар матнида (қаҳрамонлар нутқида) сўроқ гапларнинг баён жараёнидаги савол (question-in-the narrative) ҳам кўп учрайди. Улар ҳам ўқувчи эътиборини ёки бу масалага, воқеага тортиш, у ҳақида ўйлаб кўриш а ўз нуктаи назарини билдириш маъносида

қўлланади. Масалан: Where is the use of my dwelling in this way on my own folly? The plain truth is plain enough, surely? What do you mean by attempting to speak to me? Is such madness as this to be accounted? No. There is nothing to be done but to confess it, and let it be. (Collins, 141) But, oh! How could destroy the only thing I had which proved that I had saved you from discovery? If we did come to an explanation together, and if you suspected me of having some bad motive, and denied it all, how could I win upon you to trust me, unless I had the nightgown to produce? Was it wronging you to believe, as I did and do still, that you might hesitate to let a poor girl like me be the sharer of your secret, and your accomplice in the theft which your money-troubles had tempted you to commit? Think of confidence and your gratitude which it was my fortune to possess. (Collins, 141)

Бу тоифа гаплар матн ранг-баранглиги баробарида нутқ жонлилиги ва ранг-баранглилигини ҳам таъминламақда. Асар қаҳрамонлари нутқида риторик сўроқ гаплар ҳам учрайди. Бундай гаплар суҳбатдошдан жавоб талаб қилмайди. Жавоб сўроқ гапни ўзидан ёки сўроқ гап муаллифидан кутилади.

What of it now? How do we know she may not have stolen the Diamond after all? How do we know she may not have smeared my nightgown purposely with the paint? (Collins, 134) I wonder whether the risks and difficulties of keeping the nightgown were as much as I could manage without having other risks and difficulties added to them? This might have been the case with some women – but how could it be the case with me? In the days when I was a thief, I had run fifty times greater risks. (Collins, 140)

Қаҳрамонларнинг ҳиссиётлари, ҳаяжонли онлари, кайфияти кабиларни (афсус, надомат, қувонч, ўкинч кабилар) ифодалаш учун қатор лексик бирликлар қўлланилган. Масалан: “Ah!” she said. I know why you’re sitting here, and fretting, all by yourself. (Collins, 141) “Oh, don’t say so!” (Collins, 113) Oh, Rachel! Rachel! (Collins, 113) “Ah!” said Mr. Bruff, looking after her. (Collins, 113) “Oh!” I said. “You think it’s all over then, here” (Collins, 71) “Ah!” she said, “you’ve guessed it at last” Alas! (Collins, 55)

Хис-ҳаяжонни ифодаловчи бу сўзлар турли вазият ва контекстларда турли маъноларни касб этадилар. Қуйида бир мисолни кўриб чиқамиз:

- My young lady refuses to have her wardrobe examined.
- Ah! said the Sergeant.

His voice was not quite in such a perfect state of discipline as his face. When he said “Ah!” he said it in the tone of a man who had heard something which he expected to hear. He half angered and half frightened me – why, I couldn’t tell, but he did it. (Collins, 45)

Ушбу контекстда ёш жувон кийимлар жавонини текшириб кўришларини хоҳламаётганлигини сержантга кимдир айтади. Сержант худди шундай бўлиши

кераклигини билган одамдай “Ҳай” деди. Асарда very ва too сўзлари ҳам кўп қўлланиб у сўзлар маъноларини кучайтиришга хизмат қилган: Very frankly answered. (Collins, 110), “Very poorly, Sir” (Collins, 130), Only too gladly, if she would let him. (Collins, 141), Very good, Sir. (Collins, 143), A very sensible question, my dear Sir, Good God, how coolly you talk of Rachel suspecting me! (Collins, 145)

Шунингдек, асар матнида are you? do you? did you? don't you? каби қисқа сўрок гаплар борки, улар турли контекстларда ҳайрат, ишонқирамаслик каби (ростдан-а, шунақа-ми, йўғ-э) прагматик маъноларни касб этадилар.

Демак, ҳар бир адиб ўзига хос ва ўзига мос баён услуби, ёзиш услубига эга. Шунингдек, у тилдаги сўз бойликларидан фойдаланиш имкониятлари ҳам ҳар-хил бўлади. Ёзувчи бадиий тил нормалари доирасида иш кўрган бўлса-да, асарда жонли нутққа хос ғайритабиий қурилишга эга сўз ва конструкциялар талайгина. Улар асарни ҳаётийлигини, қаҳрамонлар ким эканлигини тўғри ва ҳаққоний очиб беришга хизмат қилган.

2.3. “Алвидо, қурол!” романида қаҳрамонлар нутқининг лингвистик, стилистик ва прагматик хусусиятлари

“Алвидо, қурол!” асарининг биринчи боби муҳим бўлиб, унда ёзувчи кейинчалик давом эттириладиган мавзулар билан ўқувчини таништиради. Ушбу бобда адиб уруш ва ўлимни табиат ва ҳаётга қарши қўяди. Дарахтлар чанг-тўзон билан қопланган, барглари тўкилиб кетган. Барглар қўшинлар томонидан юк автомобилларига юкланган қурол-аслаҳаларни яшириш учун ёпилган ҳолат. Тиниқ ва сокин дарё суви ёмғир ва лойда, секин аста ҳаракатланаётган қўшинларга қарши қўйилади.

Аскарлар қуролларни олдига осиб олган, ҳаракатлари суст чунки улар жуда чарчаган. Муаллиф ўкинч (киноя) билан шундай дейди: “Қишнинг бошида кўп ёмғир ёғди, ёмғир билан вабо келди. Буни олди олинди ва армияда фақатгина 7000 аскар нобуд бўлди:

Бу ерда “permanent rain” (тўхтовсиз ёмғир) ни тасвирлаш чоғида ёзувчи бечора, умидсизлик ҳолатини ифодалайди. Иккинчи гапдаги “only” сўзи уруш, жангу-жадаллар миқёсини ифодалаб келган.

Урушдан безор бўлишлик қўшинларнинг ўзи томонидан кўзгудагидек ифода этилади: “... ҳеч ким нима учун жанг қилаётганини билмасди”.[3, 41]

Асарда воқеаларни ҳикоя қилиб берувчи шахс ва протоголист бошқа–бошқа одамлар. Воқеалар баёнчиси Хенри, китобда воқеалар чоғида тилга олинган шахс эса Хенри Фредерик.

Асарни ўқир эканмиз Катерин ҳақида ҳам кўп нарсаларни кашф этамиз. Хенри билан суҳбатда у унаштирилганликларига 8 йил бўлганлиги, эри урушга кетиб ўлиб

кетганлигини айтади. Хенри у дунёни, худони борлигига ишонмайди. Катерин уруш оқибатларидан кўриб турмушга чиқмагани, энди эса ўша оқибатлар маъносиз ва мақсадсиз эканлигини тушуниб этади.

Унинг фикрича, ҳаёт нимани хоҳласа ўша кўйга солади. Унинг ҳаёти ўша шароитларга қарши курашлардан иборат. Фредерик Хенри қаҳрамонликка даъвогарлик қила олмайди. Атрофдаги воқеаларга бепарво. Бу ўқувчида бир қадар унга бўлган ҳурматни сусайтиради. “I knew I would not be killed. Not in this war. It didn’t have anything to do with me”. Хенрига бу дунё адолатли дунё, чунки унинг уруш билан унчали иши йўқ, уруш уни рад этади.

Пассини урушга қарши норозилик билдиради. Муроса орқали урушга барҳам бермоқчи бўлади. Унинг фикрича, агар Италия армияси урушни тўхтатса, Австрияликлар чарчайди ва ўз юртига кетадилар.

Риналди урушни ёқлайди. Медал олишга иштиёқи баланд. Поп эса рухиятли одам. У урушда ватанпарварлик ва шон-шуҳратни кўрмайди. Бахтни кўрмайди, топмайди. Унинг ўрнида содиқ севгини кўради. Хенри эса юқоридаги икки йўлдан бирини танлаши керак бўлади. Рухоний бу урушда ғолиблар бўлмаслигини ва қачондир бу уруш охирига етишини уқтиришга ҳаракат қилади. Асар 66 бобдан иборат “Алвидо, қурол!” баёни монолог ва диалоглар қоришмасидан иборат тарзда ёзилган. Асар матни асосан содда, боғланган кўшма ва мураккаб гаплардан иборат. Масалан: The summer went that way (Hemingway, 117); Maybe it was coming back from the races (Hemingway, 117); You do me a translation and I will and if to the lancet (Hemingway, 78); I wish you were back (Hemingway, 79); The priest smiled and blushed and shook his head (Hemingway, 34);

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, асар баёни содда, лўнда, ихчам синтактик қурилмалар асосига қурилган. Ўз-ўзидан келиб чиқадики, улар орқали ифода этилган фикрлар ҳам содда ва ихчам бўлиб, турли ёш, турли ҳаётий тажрибага эга ўқувчиларни ёзувчи илгари сурган ғоя, у назарда тутган фикрни осон тушуниб етишига олиб келади.

Романнинг X боби 76-78 бетларидаги матндаги мавжуд синтактик бирликларни статистик жиҳатдан ҳисоблаб чиқдик. Жами 132та турли структурага эга гаплар аниқланди. Улардан 99таси содда, 7таси мураккаб, 26таси (6та боғланган кўшма гап, 20таси эргаш гапли кўшма гаплардан, 7таси тўлдирувчи, 6таси пайт, биттадан аниқловчи, шарт, мақсад, 2таси аралаш типдаги эргаш гапларни ташкил этади.

Мана шунинг ўзи ҳам адибнинг тили, адибнинг баён усули содда ва мухтасар эканлигидан далолат беради:

That made the bed damp and cool (Hemingway, 76);

How are you, baby? How do you fell (Hemingway, 77);

Everyday is proud of you (Hemingway, 77);

After I leave here I'll go see that English and he'll get you an English medal (Hemingway, 78);

I forget you are suffering (Hemingway, 78);

Асар ўқиш учун кизиқарли бўлсин деб, ўқувчини толиқиш ва зерикишдан халос этиш мақсадида Хемингуэй романни 66 бобга бўлади. Аксарият боблар ихчам, ҳажми катта бўлмаган матнлардан ташкил топган. Масалан, биринчи боб икки саҳифада (31-32 бетлар), иккинчи боб тўрт саҳифа (32-36 бетлар) учинчи боб тўрт саҳифа (36-39 бетлар), тўртинчи боб беш саҳифа (40-45 бетлар)дан иборат.

Роман баёни матнлардаги гапларнинг деярли 90 % ини содда гаплар ташкил этар экан, содда гапларнинг структур – семантик ва функционал жиҳатларига тўхтаб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик. X бобдаги матн монолог (воқеаларни баён этувчи сўзлари) ва диалоглардан иборат. Диалоглар сўрок, буйруқ ва дарак гаплардан иборат. Чунки суҳбатдошлар ўртасидаги мулоқот чоғида маълумот берилади, маълумот олинади, бирон-бир воқеа, ҳодисага нисбатан муносабат, кечинмалар билдирилади. Ўнинчи бобда Италия армияси зобити Риналди, госпиталга келади. У ва Хенри ўртасида узоқ вақт суҳбат бўлади.

Ўн биринчи бобда ёзувчи томонидан “and” боғловчиси 32 мартаба қўлланилган. “And” боғловчиси уюшган бўлакларни, боғлаган қўшма гап қисмларини, матн таркибидаги мустақил қўшма гапларни боғлаш учун хизмат қилган. Бизнингча, матнда у икки вазифани бажариб келмоқда. Биринчидан гаплар ва гап ичидаги бўлаклар алоқасини таъминлаб келса, иккинчидан матн ичида мантиқий ва мазмуний изчилликни таъминлаб келмоқда. “That all and know”, “And you never know if the girl willingly like it (Hemingway 80). All fire and smoke and nothing inside (Hemingway 79); We are brothers and we love each other” (Hemingway 9); I will go now and bring her here (Hemingway 78).

Ўнинчи боб ва бошқа бобларда ҳам инглиз тилининг Америка вариантыга хос грамматик шаклларни учратишимиз мумкин. Масалан “will” (келаси ноаниқ замон шакли) we, I (биринчи шахс бирлик ва кўплик) олмошлари билан қўлланилганига гувоҳ бўлдик: We won't quarrel, baby (Hemingway 80); I won't kiss you if you don't want (Hemingway 80); I'll send your English girl, (Hemingway 80).

Бундан ташқари кундалик оғзаки нутққа хос, нутқ экономиясига хос грамматик шакллар ҳам асар матнида жуда кўп учрайди: Don't get angry (Hemingway 80), I'll be wise like you (Hemingway 80), Good-by (Hemingway 80), They aren't girls (Hemingway 78); No, I'm not (Hemingway 79), he's coming to see you (Hemingway 79).

Асар матнида монологлардан кўра диалоглар кўплиги боис, диалогик нутққа хос жиҳатлар қаҳрамонлар нуткида намоён бўлганлигини кузатдик. Асар билан танишиш чоғида суҳбатдошлар учун маълум бўлган гап таркибидаги бўлакларни тушиб қолишини кузатдик. Бу ҳолат тил ички қонуниятларидан ва сўзловчининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда содир бўлгани маълум бўлди.

“Open the bottle. Bring a glass. Drink that, baby (Hemingway 78). Don’t go, I said (Hemingway 78); Be good while I’m gone, I said (Hemingway 79); Shoot him if he resists (Hemingway 200).

Юқоридаги гаплар буйруқ-истак майлидаги гаплар бўлиб, инглиз тили қоидаларига кўра бундай гапларда гап эгаси мавжуд бўлмайди. Феъл кесим орқали англашилган иш-ҳаракатларни қуйидаги трансформация орқали ифодалаш мумкин: You open the bottle, you bring a glass, you be good while I’m gone.

Иккинчи ҳолат бўйича қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин:

- Please do. Good-night. Don’t let Rinaldi drink so much brandy.
- I’ll try not to (let Rinaldi drink too much brandy. (Hemingway, 163).
- In sleep, I said. (Hemingway, 166), (I believe in sleep);
- Are you afraid to stay here alone?
- Yes, I am (afraid to stay here alone).
- What have you been reading? – Nothing, I said (Hemingway, 229);
- Who will win it? – Italy (will win it) (Hemingway, 230);
- Should we drink some more? Then I must dress
- Perhaps, will better not (drink) now. (Hemingway, 231).
- When should we go?–Right away (we should go) (Hemingway, 233);
- Why are they going to arrest me?
- For something about the war (Hemingway, 232)
- I don’t want to be arrested.
- Then go to Switzerland.
- How?
- In my boat (Hemingway, 232)
- What time do they come to arrest me?
- In the morning. (Hemingway, 232)
- Are you ready? – Yes (Hemingway, 236)
- I think, wire in Switzerland, Cat?
- Monteux (Hemingway, 246)
- I’m always hungry.

- So am I. (Hemingway, 259)
- There 5 sanitary cars I want to see but I can't remember.
- The Woolworth building?
- No.
- The Grand Canyon?
- No. But I'd like to see that. (Hemingway, 258)
- It's not a pretty picture you having gonorrhea (Hemingway, 261)

Юқоридаги мисоллар таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

- “Алвидо курол” романида эллипсис ҳодисаси қаҳрамонлар ўртасида кечган диалоглар (суҳбатлар) чоғида кўп учрайди;

- Суҳбатдошлар учун маълум бўлган ахборотни ташувчи гап бўлаги ёки гап эллипсисга учраши мумкин;

- Гапнинг бош бўлақларидан бири (эга, кесим ёки қўшма гап таркибидаги бош ёки эргаш гап) эллипсисга учраши мумкин.

- Пайт, ўрин, миқдор даража ҳолига, тўлдирувчига берилган махсус сўроқ гапларда (what time, when, where, how much (many) билан бошланган гапнинг бош бўлақлари (эга ва кесимни) эллипсисга учраши кўп учрайди;

- What time do they come to arrest you? (тўлиқ гап).

- In the morning They come to arrest you in the morning (тўлиқ гап).

- Баъзан ёзувчи инглиз бўлмаган (Риналди) қаҳрамонлар нуткида уларнинг инглиз тилини яхши билмаслиги, Италиялик эканлигини кўрсатиш учун айрим бўлақларни атайлаб тушириб кетган жойлари ҳам бор: It's not a pretty picture you (are) having gonorrhea.

- Сўроқ гапларда кўмакчи, боғловчи феъллар тушиб қолиши ҳам юқоридаги ҳолатлар учун мисол бўла олади;

- I can't remember it.

- The Grand Canyon? (Is it the Grand Canyon?) (тўлиқ гап).

- Диалоглар Really? No, Yesлар эллипсисга учраган бутун бир гапни ўрнини босади:

- I think, we are in Switzerland.

- Really? (Are we in Switzerland?) (тўлиқ гап).

- Are you hungry? – No (yes).

- Бутун бир бош бўлақларни тушиб қолишига how, where, when кабилар орқали имконият берилади:

- Then go to Switzerland.

- How? (How do I go?) (тўлик гап).
- I'm going away- where? (Where are you goings).

Those post cards would be very fine in America, strange and mysterious (Hemingway, 56); I saw a third range of mountains, higher snow mountains, that looked chalky there (Hemingway, 63).

Асар матнида шунингдек, кўплаб такрорларни учратдик. Улар қаҳрамонлар томонидан билдирилган фикрларга, маълумотларга алоҳида урғу бериш ва ифодалиликини таъминлашга ёрдам берадилар. Қаҳрамоннинг кайфияти, ички кечинмаларини қандай эканлигини кўрсатиб беради.

Асарда айрим сўзлар, ҳаётий гаплар ҳам такрорланиб келган. Қаҳрамон ҳаяжонга тушганда, асаби бузилганда гапда сўз тартиби бузилади, баъзи сўзлар, гаплар беҳосдан такрорланади.

Такрор (Repetition)нинг анафорик (anaphoric), эпифорик (epiphora) анадиплосис (anadiplosis) турларини ҳам учратдик:

We too stopped talking and the captain shouted, “The priest not happy”: (Hemingway, 39); “Thank you for the coffee beans”. “Nothing, baby. Nothing (Hemingway, 60);

“Passing’s dead. Yes. He’s dead (Hemingway, 71). Ушбу гапда синонимик такрор қўлланилган.

- “You are an ignorant foul – mouthed dago”
- “A what?”
- “An ignorant wop”.
- Wop. You are a frozen – faced ... wop (Hemingway, 79)

“Ho, ho, ho” the porter laughed. “Ho, ho, ho, he tried to keep from laughing”. “Ho, ho, ho”. I said bitterly (Hemingway, 99)

“We’ll have to be awfully careful. That was just madness. We can’t do that. We can at night. We’ll have to be awfully careful. (Hemingway, 100)

Юқоридаги мисолларда қаҳрамонларнинг кайфияти, эҳтиросли ҳолатлари акс этиши баробарида такрорлар ўқувчи диққатини матн мазмунига тортади.

Ўн тўртинчи бобда маъно ва гап мазмунини кучайиб боришига (градация) мисоллар мавжуд:

“You **do love** me? I **really love** you”, I’m **crazy about** you. I’m just **mad** about you. (Hemingway, 99).

Юқоридаги гапларда севгига урғу берилмоқда. Хенри Катеринни жуда ҳам севиши, уни деб ақлдан озаётганлиги суҳбат чоғида аён бўлади. Ёзувчи чин ва самимий муҳаббат исканжасига тушган ёшлар кечинмаларини ана шундай ифодалайди. Хенрини Катеринга

бўлган муҳаббатини самимийлигини baby, sweet, darling каби эркалаш сўзларини кўплаб қўллаш орқали ҳам кўрсатишга ҳаракат қилади.

Асар матнида “question – in – the – narrative” (баён ичидаги савол) стилистик восита сифатида қўлланади. Бу шундай стилистик воситаки, унда қаҳрамон савол беради ва унга ўзи жавоб беради. У ёзувчи ва ўқувчи ўртасида пинҳона суҳбат кўприги ролини ўтайди. Баъзан саволлар жавобсиз ҳам қолиши мумкин. Where did you meet her? In the Gova? Where did you go? How did you feel? (Hemingway, 37). “See?” I put my Saint Anthony back in the capsule, spilled the thin gold chain to getter (Hemingway, 61); what is defeat? You go home (Hemingway, 66); Where were you trying to do? Commit suicide? (Hemingway, 74).

Асарда асиндетон ҳодисасидан кўра полисиндетон ҳодисаси кўп учрайди. Бу ҳам стилистик восита бўлиб, у гапларни, жумлаларни, синтагмаларни, сўзларни бир-бирига боғлаб, мазмунан қовуштириб келади. Бу вазифани асосан боғловчи ва предлоглар бажариб келади.

He bandaged his hands marring very just and the bandage coming faut and sure. (Hemingway, 75) I'll clean this up a little, wash it out and put on a dressing (Hemingway, 74) I'll go and see him and if he will recommend you (Hemingway, 77), I have you too much. But don't be a fool (Hemingway, 80). The birds were all good because peasants were always however if you would eat with them at there houses (Hemingway, 84-85).

Литота стилистик воситалардан бири бўлиб, унинг моҳияти бўлишли шакллар ўрнида бўлишсиз конструкцияларни қўллашдан иборат. Масалан: He is no coward – He is a brave man; He is not a silly man – He is a clever man.

Биринчи гаплар ўқувчига кучлироқ таъсир этади. “Алвидо, қурол!”да ҳам ана шундай гаплар мавжуд. You said you were not wise (You were silly). Dear boy, that's not wisdom (That is cynicism) (Hemingway, 231); You never seem old (you are ever young) (Hemingway, 230); I do not deny it (I admit it) (Hemingway, 246), He troubled her not a little (Hemingway, 249).

3. ТАРЖИМА ВА УНИНГ ТУРЛАРИ, У. КОЛЛИНЗНИНГ “ОЙТОШ” АСАРИ ТАРЖИМАСИ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Таржима турлари ва уларнинг тавсифи

Таржима деганда у ёки бу матнни бир тилдан бошқа тилга ўгириш жараёнини тушунамиз. Бу жараён ижодий жараёндир. Амалий таржима масалалари, унинг илмий-назарий муаммолари билан шуғулланувчи фанни эса таржимашунослик ёки транслатология деб атаймиз.

Ғ. Саломовнинг фикрига кўра таржима атамаси форсча “тарзабон” сўзидан арабилашиб ўзгарган тарзабон форс тилида “чиройли сўзловчи”, “нотик”, “тилли бурро киши” деган маънони англатади. Арабча ушбу сўз таржибон шаклида бўлиб, ундан таржима ёки таржума ҳосил бўлган. Ўзбек тилида у чевуриш, ўтказиш, қайтариш, ағдариш, ўгириш атамалари орқали ифода этилади. [15, 35]

Демак, “таржима қилмоқ” ўзбек тилида қуйидаги синонимларига эга: 1) ўгирмоқ 2) ағдармоқ 3) чевурмоқ, 4) қайтармоқ 5) ўтказмоқ.

Бугунги кунда ўгирмоқ, ағдармоқ, чевурмоқ, ўзбекчалаштирмоқ ва русчалаштирмоқ каби сўзлар кўп қўлланилади.

Таржима нутқнинг бир тури сифатида тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилади, яъни таржима жараёни бир тилдаги матнни иккинчи бир тилга ағдариш – трансформация қилиш демакдир. Мана шу ҳар хил бажариладиган ўзаро икки тил ўртасидаги фаолиятлар, операцияларни таржима процесси деб аташ мумкин.

Лингвистик таржимашуносликнинг предмети икки тил лисоний-услубий ҳодисаларини қиёслаш орқали бир тилда яратилган нутқий ифодани, унинг шакл ва мазмун бирлигини сақлаган ҳолда ўзга тилдаги муқобил лисоний воситалари ёрдамида қайта яратишнинг йўл ва имкониятларини қидириб топиш ва шу асосида таржима амалиётининг сифат ўзгаришига олиб келадиган назарий умумлашмалар яратишдир. [16, 64]

Лингвистик таржимашуносликнинг объекти мавҳум тарзда тасаввур қилинадиган тил системаси эмас, балки конкрет нутқий асардир. Асл нусхадаги матн асосида ўзга тилда бошқа бир нутқий асар яратилади. Демак, лингвистик таржимашунослик бир тилга мансуб бўлган тил воситалари ёрдамида яратилган матнни таржима тили қонуниятлари асосида янги бир матнни яратиш билан шуғулланади.

Лингвистик таржимашуносликнинг мақсади у ёки бу чет тил лисоний воситалари ёрдамида яратилган матнни она тил материали асосида қайта яратиш назарияларини такомиллаштиришдан иборат. Лингвистик таржимашуносликнинг асл вазифаси аслият ва

таржима тиллари лексик, грамматик ва стилистик ҳодисалари ўртасидаги ўхшаш ҳамда фарқларини ҳисобга олган ҳолда асл матннинг шакл ва мазмун бирлигини она тили воситалари ёрдамида қайта яратишдаги таржимавий муаммоларини ҳал қилишдан иборатдир.

Амалий таржима муаммоларини ҳал қилиш таржимондан пухта филологик билим ва тегишли назарий тайёргарликларни талаб этади.

Мамлакатимизда таржима назарияси мустақил филологик фан сифатида асосан XX асрнинг 50-йилларидан шакллана бошлаган бўлса-да, таржима амалиёти бир неча минг йиллик тарихга эга. Бундан таржимачилик минг йиллар мобайнида назариясиз ривожланиб келган эканда, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Араб, форс, хинд, озарбайжон, турк ва рус тилларидан жуда кўп илмий, тарихий, сиёсий, диний, фалсафий, бадий асарларни она тилига ўгириб келинган. Таржимонларимиз бир неча асрлар мобайнида қабул қилинган ва риоя этилган маълум таржимачилик қоидаларига асосланиб иш кўрганлар. [20, 89]

Лингвистик таржимашуносликнинг аҳамияти шундан иборатки, у таржима амалиётида таржимоннинг матнни таржимасига интуиция йўли билан ёндашишга йўл қўймайди. Ўзбек лингвистик таржимашунослигининг асосчиси Ғайбулла Саломов таржимага қуйидагича таъриф беради: Таржима бу илҳом, юксак истеъдод ва интуиция билан чуқур филологик билим, тинимсиз луғавий меҳнат ҳамда ўринли илмий шарҳнинг қоришмасидан иборат назарий ижодий жараёндир. Улар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, илмий, маданий алоқаларни кенгайтишига илҳом берувчи воситадир.

Ёзма таржима деганда ҳар қандай ёзма ва оғзаки материалнинг ёзма шаклдаги таржимаси тушунилади. Оғзаки таржима деганда ҳар қандай ёзма ва оғзаки материалнинг фақат оғзаки ўгирилиши тушунилади.

Таржимашуносликда асл нусха тили ва таржима тилдаги материалнинг қай тарзда амалга оширилаётганига қараб таржиманинг турли турларини ажратиш мумкин. Бу биринчи таснифлаштиришга асос бўлувчи омилдир. Таржимашуносликда таржима турлари, уларнинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб, ажратиш ҳам амалга ошириб келинмоқда, унда таржимага алоқадор ҳар иккала тилдаги матнларнинг шакли эмас, балки уларнинг мазмуни ёки моҳиятига таяниб таснифлаштирилади.

Биз қуйида таржимашунос олимларнинг таржима турларига ўзига хослик билан ёндашиб, уларнинг таснифини беришга уринишларини кўриб чиқамиз: Таржимашуносликда рус таржимашунос олими Л. С. Бархударовнинг таржима турлари ҳақидаги фикри жуда аниқ ва равшан, деярли ортиқча саволларни талаб қилмайдиган ёндашишдир.

Л. С. Бархударов асл нусха тили ва таржима тили матнининг қандай шаклда берилишига кўра таржиманинг тўрт асосий турини ажратади:

- 1) оғзаки-оғзаки 2) ёзма-ёзма 3) оғзаки-ёзма 4) ёзма-оғзаки

У ўзининг “Язык и перевод” асарида юқоридаги турларнинг ҳар бирига алоҳида шарҳ бериб, уларнинг аҳамияти ва салмоғини атрофилича таҳлил қилиб берган. [8, 77]

Ушбу таржима турлари орасида оғзаки-оғзаки таржима иккига турга бўлинади:

- 1) оғзаки-изчил таржима (consequent / consistent translation)
- 2) оғзаки-синхрон таржима (simultaneous / synchronous translation)

Тил ва таржима масаласида аввало жаҳонда кейинги йиллар ҳисоб-китобида қараганда 7000 га тиллар мавжуд. Бизнингча бу барча жонли ва ўлик тилларни бирга ҳисоблагандаги йиғинди. Таржима ҳам типологик жиҳатдан яқин бўлган тиллар ўртасида таржима осон амалга оширилади. Бир-биридан типологик жиҳатдан узоқ тиллардан эса таржима қилиш бир оз муаммоли бўлади. Таржима қандай бўлмасин таржима исталган бир тилдан бошқа бир тилга амалга оширилиши мумкинлигини рус таржимашунос олими Л. С. Бархударов китобида айтиб ўтганди. Гап айни ҳолатда таржиманинг осон ёки қийин кечиши ҳақида кетяпти, чунки бир-бирига яқинлик, сўзлар, конструкциялар яқинлиги таржимани тўлақонли ва нисбатан осон кечишига ёрдам беради.

Лекин бу қийинчиликларни бартараф қилиш уста таржимоннинг маҳорати ва саҳоватига боғлиқдир. Тилларнинг қардош-қардош эмаслиги таржимани амалга оширишда бир қатор қийинчиликларнинг бартараф этилиши табиий:

- 1) Ёзма-ёзма таржимани оммавий ва кенг кўламда тарихан қўлланилиши;
- 2) Ҳар бир таржима турининг ўзига хослиги ва уларнинг бир-бирини тўлдириши.

В. Н. Комиссаров таржиманинг қуйидаги турларини фарқлайди:

- 1) бадиий таржима 2) информатив таржима

Ушбу тасниф асосига таржима материаллари мазмуни ва моҳияти олинади.

В. Н. Комиссаров таснифнинг изчил ва тўлиқ эмаслигини эътироф этиш керак.

Унда информатив таржима бадиий таржимадан нимаси билан фарқланиши аниқ кўрсатилмаган.

Бизнингча, ушбу таснифни қуйидагича тўлдириш ёки тузатиш керак:

- 1) бадиий таржима 2) нобадиий таржима

Оғзаки-оғзаки таржиманинг турлари

- 1) оғзаки-изчил таржима (consequent / consistent translation)
- 2) оғзаки-синхрон таржима (simultaneous / synchronous translation)

Изчил таржимада таржиманинг имкониятлари

1) вақт етарли 2) пауза (оралиқ вақт) берилади 3) ўйлаб, пухта таржима бериш имконияти 4) хатто керак бўлса, аниқлаштириш имкониятига эгалик.

Синхрон таржимада таржимоннинг имкониятлари чекланганлиги:

1) бир вақтда нотиқ билан тенг таржимани амалга ошириш 2) вақт зич 3) пухта, атрофлича ўйлаб, таржима қилишга имконият нўқ 4) қайта сўраш, аниқлаштириш имконияти йўқ 5) ҳам эшитиб ўгириш, ҳам таржима қилиш, ҳам вазиятга кўра хушёр туриш ва имкониялар

Р. К. Миньяр-Белоручев таснифига кўра қуйидаги таржима турлари мавжуд: 1) ёзма таржима 2) синхрон таржима – оғзаки 3) изчил таржима 4) варақдан таржима. Бу таснифда изчил таржима Миньяр-Белоручев фикрига кўра 4 хил бўлиши мумкин: 1) бир томонлама 2) икки томонлама 3) абзацдан-фразага таржима 4) ёзув орқали таржима. [13, 32]

Муаллифнинг фикрига кўра нима таржима қилинаётганлигига кўра таржиманинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин: 1) бадиий таржима 2) ижтимоий-сиёсий таржима 3) илмий-техникавий таржима. Ушбу таснифга қуйидагиларни қўшишни лозим топдик: 1) диний-илоҳий матнлар таржимаси 2) спорт матн ва атамалар таржимаси 3) ҳарбий матн ва атамалар таржимаси 4) бизнес-тадбиркорлик матн ва атамалар таржимаси 5) иқтисодий матнлари, атамалари таржимаси ва бошқалар. [14, 97]

В. Н. Комиссаров ўз изланишларида қуйидаги таржима турлари ҳақида сўз юритади: 1) адаптированный перевод – мослаштирилган соддалаштирилган таржима 2) адекват таржима 3) антономик таржима 4) хижжалаб (буквалный) таржима 5) информатив таржима 6) бадиий таржима 7) яқинлаштирилган таржима 8) эркин (свободный) таржима 9) қисқартирилган (сокращенный) таржима 10) аниқ (точный) таржима 11) трансформацион таржима (трансформациялар орқали амалга оширилган таржима) 12) черновой перевод 13) эквивалентлик (мос келувчи) таржима. [12, 88]

Биз юқорида таржиманинг шакл ва жанри – стилистик жиҳатларига кўра турли таснифларини эътироф этдик, уларнинг кимлар томонидан асос солинганлигини ёки тавсия этилганлигини кўриб чиқдик. Юқорида зикр этилган таржима турлари ва соҳалари ҳар бири ўзига хосликка эга бўлиб, таржима жараёнида уларнинг бетакрорлиги намоён бўлади, акс ҳолда уларни таржиманинг алоҳида турлари ва соҳалари этиб таснифлаштириш бесамар бўлар эди.

Бугунги кунда таржиманинг бошқа турлари билан бир қаторда оғзаки-оғзаки таржиманинг изчил ва синхрон турлари катта аҳамият касб этиб бормоқда, бунга кўра жаҳонда кўплаб дипломатик, савдо-сотиқ, маданий ва илмий-техникавий алоқаларини

амалга оширишга катта эҳтиёж бор. Таржиманинг барча турлари ҳаётий зарур ва ўзига хос етарли даражада аҳамиятлидир, қолаверса бетакрордир.

Тилшуносликда маъно назарияси кенг таҳлил этилган соҳалардан бўлиб, ҳозирги кунда унда қуйидаги тил маънолари ажратилади.

1) референциал (денотатив предметлик) маъно 2) грамматик 3) тил ички маъноси 4) прагматик маъно 5) стилистик маъно 6) фразеологик маъно 7) паралингвистик маъно [17, 51]

Паралингвистик маъно имо-ишора, қўл, оғиз, қўз, лаб, тил, тана ҳаракатларида акс этувчи маънолардир: У бош ирғади – He nodded his head, У бош силкитди – He shook his head.

Фразеологик маънога қуйидаги мисолларни беришимиз мумкин: Do not celebrate victory before you have conquered – тўйдан олдин ноғора чалма, When pigs fly – туяни думи ерга текканда, Hears may full dead lions by the bear – йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас.

Л. С. Бархударов фикрига кўра таржимашунослик ўзининг қуйидаги таҳлил методларига эга: 1) қиёсий метод, чунки исталган ҳолатда икки тилни қиёслаш асосида таржима амалга оширилади; 2) компонентларга ажратиш методи (темаларга ажратиш); 3) трансформацион метод (тилда илк тил воситалари, азалий типларни аниқлаб, улардан келиб чиққан тил воситаларини ўрганиб, таҳлил қилувчи метод); 4) статистик метод; 5) оппозиция методи (қарама-қарши қўйиб таҳлил қилиш).

Ушбу методлардан ташқари таржимани амалга ошириш усуллари ҳам мавжуд, булар эса таржимашуносликнинг ўзига хос иш кўриш усуллари (методларидир).

1) маълумотларни қисқа ва лўнда қилиб ёзиб олиш, керак жойларда қисқа қайд этиш ва уларга таяниб ўгириш усули.

2) таржимада асл нусха материалини маънодор бўлакларга ажратиб ўгириш усули.

3) матнни лексик, грамматик трансформациялар орқали ўгириш усули:

а) оғзаки трансформациялар орқали ўгириш

б) ёзма трансформациялар орқали ўгириш

в) оғзаки-ёзма трансформациялар орқали ўгириш

г) ёзма-оғзаки трансформациялар орқали ўгириш

Таржимашуносликнинг тўртта асосий қисми бор:

1) таржимашуносликка кириш

2) таржима тарихи

3) таржима назарияси

4) таржимавий танқид

бу қисмларнинг ҳар бири алоҳида фан сифатида ўрганилади.

3.2. Уилки Коллинзнинг “Ойтош” асари таржимаси масалалари

Уилки Коллинз қаламига мансуб “Ойтош” романи таниқли адабиётшунос олим, таржимон Озод Шарофиддинов томонидан асарнинг русча таржималаридан ўзбек тилига ўтирилган. Асар жаҳон адабиёти журнали саҳифаларида нашр этилган.

Ушбу таржима бадиий таржиманинг ёзма-ёзма турига мансуб. Асар таржимаси аслиятдан амалга оширилмаган бўлса-да, таржима моҳирлик билан амалга оширилган. Ўқувчи уни ўзбек тилида яратилган асар сифатида тан олишга лойиқ даражада амалга оширилган. Бу таржиманинг бекиёс маҳорати ва сўз устаси эканлигидан дарак бериб турибди.

Таржима жараёнида турли мақом ва ҳажмдаги таржима бирликларидан усталик билан фойдаланган. Улар орасида энг муҳими гапдир. Асар аслиятида содда, мураккаб ва қўшма гапларнинг барчаси мавжуд бўлиб, уларнинг қўлланилиш мавқеи турличадир. Асарнинг иккинчи қисми иккинчи боби устида ўтказилган статистик ҳисоб-китоблар матнда жами 74та гап мавжудлиги, уларнинг 50таси содда, 24таси қўшма гаплардан иборат эканлигини кўрсатди. Элликта содда гап орасида 30таси мураккаб таркибли содда гаплардан иборат бўлганлиги учун биз таҳлилларимизни диалогик дискурс таркибига кирган синтактик конструкциялар таржимаси мисолларидан бошлаймиз.

Иккинчи қисмнинг еттинчи бобида олтинчи абзацда асар қаҳрамони Рачел нутқида хос риторик сўроқ гаплар мавжуд бўлиб, улар ўзбек тилига қўшма дарак гап орқали таржима қилинган:

After what you have done, is it manly action	Лекин сизнинг қилиб қўйган ишингиздан
on your part, to find your way to me as you	кейин, олдимга шунақа йўл билан кириб
have found it to-day?	келишингиз пастликдан бошқа нарса эмас.

(Collins, 147)

(Коллинз, 104)

Содда ёйиқ гап ўзбек тилига содда ёйиқ гап орқали таржима қилинган:

The apology was more unendurable than the	Бу узр ҳақоратдан оғирроқ эди.
---	--------------------------------

insult (Collins, 147)

(Коллинз, 104)

Шарт гап

Шарт гап

If my honour was not in your hands, I said, I	Агар сиз биринчи бўлиб гап
would leave you this instant, and never see you	бошламасангиз, - дедим мен, - буни мен
again (Collins, 147)	килишимга тўғри келади.

(Коллинз, 104)

Тўлдирувчи эргаш гапли кўшма гап
You have spoken of what I have done
(Collins, 147)

Махсус сўроқ гап
What have I done? (Collins, 147)

Махсус ундов сўроқ гап
What have you done! (Collins, 147)
Умумий дарак сўроқ гап
You ask that question of ME? (Collins, 147)

Тўлдирувчи бўлакли содда гап
Сиз мен қилган ишни тилга олдингиз.
(Коллинз, 104)

Махсус сўроқ гап
Қани, айтинг, нима қилганман, мен?
(Коллинз, 104)

Махсус сўроқ гап
Нима қилганман? (Коллинз, 104)
Умумий сўроқ гап
Уялмай-нетмай буни мендан сўраяпсизми?
(Коллинз, 104)

Бу умумий сўроқ гап ушбу контекстда қилғиликни қилиб қўйиб, яна нима қилибман дегани дегани уялмайсизми деган прагматик маънога эга. Бу, бизнингча, ўзбек тилига тўғри ўгирилган

Риторик савол
Have I know claim to be spared the insult of
your asking me what you here done? Is all
sense of gratitude dead in you? (Collins, 147)

Умумий сўроқ гап
Did you notice the time? Was it late? (Collins,
149)
Not very. About twelve o'clock. I think.
(Collins, 149)

Умумий дарак сўроқ гап
But you had not gone, into the sitting room?
(Collins, 149)
Эгага берилган сўроқ гап
What stop you? (Collins, 149)

Эллиптик умумий сўроқ гап
Dressed as unusual?
Alone? Alone? (Collins, 150)

Риторик савол
Наҳотки, мени нима қилганингиз ҳақидаги
тахқирли саволдан халос бўлишга ҳаққим
бўлмаса? Наҳотки, сиз ҳар қандай
миннатдорчилик туйғусидан маҳрум бўлиб
улгурган бўлсангиз? (Коллинз, 104)

Умумий сўроқ гап
Соат неча бўлганини пайқаганмидингиз?
Кеч бўлиб қолганмиди? (Коллинз, 106)
Унчалик эмас, менимча, ўн иккилар эди.
(Коллинз, 106)

Умумий дарак сўроқ гап
Лекин ҳали меҳмонхонага кирганингизча
йўқ. (Коллинз, 106)
Сабаб ҳолига берилган махсус сўроқ гап
Нима сабабдан тўхтатдингиз?
(Коллинз, 106)

Эллиптик умумий сўроқ гап
Одатдагидек кейинган эдимми? Ўзим
ёлғизмидим? Ўзим ёлғизмидим? Ёлғиз
эдингиз? (Коллинз, 107)

Аниқловчи эргаш гапли кўшма гап Every question that I could put had been answered. (Collins, 151)	Содда дарак гап Менинг ҳар бир саволимга жавоб берилган эди. (Коллинз, 108)
Бош гап эллипсисга учраган шарт эргаш гап If you had spoken when you ought to have spoken, if you had done me the common justice to explain yourself. (Collins, 151)	Бош гап эллипсисга учраган шарт эргаш гап Агар сиз гапиришингиз керак бўлган пайтда бу гапларни гапирганингизда эди: агар сиз менга нисбатан жиндай адолатли бўлиб, тушунтириб берганингизда эди ... (Коллинз, 109)
Тўлдирувчи эргаш гапли кўшма гап I know what you are going to say. (Collins, 152)	Тўлдирувчи эргаш гапли кўшма гап Сиз нима дейишингизни биламан. (Коллинз, 110)
Сўроқ гап шаклидаги тўлдирувчи ЭГҚГ Have you forgotten what I said? (Collins, 152)	Сўроқ гап шаклидаги тўлдирувчи ЭГҚГ Ўшанда нима деганим эсингиздан чиққан бўлса керак? (Коллинз, 110)
Параллел конструкцияли тўлдирувчи аниқловчи ЭГҚГ (сўроқ) Now you a rich man? Now you have got a place in the world, now you may marry the best lady in the land – are you afraid I shall say the words which I have never said yet to anybody but you? (Collins, 153)	Икки мустақил гап, иккинчиси сўроқ шаклда Энди сиз бадавлатсиз, зодагонлар дунёсида ўз ўрнингизни эгаллагансиз, энди сиз бутун Англиядаги энг яхши қизга уйланишингиз мумкин. Ёки сиз дунёдаги сиздан бошқа ҳеч кимга айтмаган гапларимни ҳаммага айтиб юборади деб кўрқасизми. (Коллинз, 111)
Тўсиқсиз ЭГҚГ Though I had forgotten the members and, in many cases, the names of the guests, I remembered readily enough that by far the larger proportion of them came from Frizinghall, or from its neighbourhood. (Collins, 156)	Тўсиқсиз ЭГҚГ Гарчи мен зиёфат қайси кун бўлганини ва зиёфатда иштирок этган меҳмонларнинг кўпчилигини номини унутиб юборган бўлсам-да, уларнинг деярли ҳаммаси Фризинголдан ёки унинг теваарак-атрофларидан келиш-ганини тез орада эсладим.
Асарда қатор реалиялар ҳам мавжуд бўлиб (ҳинд ёки инглиз халқи турмуш тарзига хос сўзлар), улар ўзбек тилига транслитерация усули билан ўтирилган. I was in Yorkshire, the other day, and I am in	(Коллинз, 115) Мен яқинда Йоркширга келиб кетгандим,

Yorkshire again now, on rather a romantic errand. (Collins, 157)

энди бу гал анчагина романтик бир иш боисидан яна келдим. (Коллинз, 117)

Here in the first place, is the physiological principle on which I am acting, stated by no less a person than Dr. Carpenter. (Collins, 168)

Мана биринчидан, физиологик принципдан. Мана шунга амал қилсам. Уни Доктор Карпентернинг ўзи баён қилиб берган.

Асарда “Mr.”, “Miss”, “Lady”, “Sir” каби сўзлар ҳам борки, улар ҳам транслитерация усули орқали ўгирилган: Miss Verinder, Mr. Black, Lady Verinder, Mr. Braff, Мистер Канди, Мистер Женнингс, Мистер Блэк (Коллинз, 120-125)

June 17 – Before breakfast, this morning, Mr. Candy informed me that he was going away for a fortnight.

17-июнь. Бугун эрталаб нонуштадан олдин Мистер Канди Англиянинг жанубидаги дўстини кўриб келгани икки ҳафтага жўнаб

(Collins, 172)

кетаётганини менга маълум қилди. (Коллинз, 128)

The post brought me Miss Verinder’s answer after Mr. Candy had left the house. (Collins, 172)

Мистер Канди жўнаб кетгандан кейин почта Мисс Вериндернинг жавобини олиб келди. (Коллинз, 128)

Inquires made at Plymouth proved that they had sailed, forty-eight hours previously, in the Bewley Castle, East Indiana, bound direct to Bombay.

Плимутдаги қидиришиш ишлари шуни кўрсатдики, улар қирқ соат аввал тўппа-тўғри Бомбайга борадиган, хинд пороходи “Бьюли Кастль”да жўнаб кетишипти.

(Collins, 202)

(Коллинз, 179)

Асар матнида турли психологик ҳолатларни ва ҳис-туйғуларни ифодаловчи сўзлар ҳам борки, улар таржимада нутқ контекстидан келиб чиққан ҳолда ўзларининг мос таржимасини топган. Булар жумласига ah, oh, eh, alas лар киради.

Ah! The dinner, the dinner at lady Verinders! - he exclaimed, more largely than ever. (Collins, 158)

-Ҳа! Зиёфат! Леди Вериндернинг зиёфати! - деб хитоб қилди у янада қизишиб. (Коллинз, 118)

“Ҳа!” сўзи билан нотик зиёфат ҳақиқатдан ҳам зўр бўлганлигини эътироф этмоқда. Зиёфатмисан-зиёфат бўлган демоқчи бўлади.

“Ah!” she said: I know why you’re sitting here, and fretting, all by yourself. (Collins, 141) – Оҳ! – деди - баламан, нима учун бу ерда якка-ю, ёлғиз ўтириб олиб, юрак-бағрингизни ўртаяпсиз. (Коллинз, 94). Ушбу контекстда “ah!” бошқа прагматик маъно касб этмоқда. Бу “оҳ!” бўлиб, у орқали нотик “нимага энди”, “ҳадеб” маъноларини англатмоқда.

“Oh” – “O!” “Alas!” – “афсуски” деб таржима қилинган: О, қанақа тарбия кўрган-а, бу қиз? (Коллинз, 156), “Эҳ, холажоним-ей!” дедим мен маъюс оҳангда. (Коллинз, 159), Уларнинг меҳрсизлиги, кишини ижирғантирадиган дунёвий бағритошлиги менинг жаҳлимни чиқарди. “– О, Рачель, Рачель!” – деб кичкирдим мен. (Коллинз, 171). “Oh, Rachel! Rachel!” I burst out. (Collins, 113). “Oh? - he said. “Miss Cluck is here as your guest-in my house?” (Collins, 112) – “Ўҳ-ҳў! – деди у – Мисс Клак бу ерда, менинг уйимда сизнинг меҳмонингизми? (Коллинз, 169).

Кўриниб турибдики, “Oh” турли нутқий вазиятларда таажуб, афсус, нолиш каби маъноларни англатибдики, бу маъноларни таржимон усталик билан бера олган. Таржима жаараёнида содир бўладиган қисқартириш ва кенгайтириш ҳолатларини ҳам кузатдик: “Miss Clack is here”, she said, “as my guest” (Collins, 169) Бу гапда аслиятдаги “she said” тушуриб қолдирилган.

Miss Jane Ann Stamper be --- ! (Collins, 112) – Жин урсин ... Мисс Жейн-Энн Стамперни! (Коллинз, 169). Таржимада “жин урсин” сўз бирикмаси қўшилмоқда. Кўриниб турибдики, таржима нафақат оддий фаолият балки ижодий фаолиятдир. Бу фаолиятни Озод Шарофиддинов санъаткорона бажарган ва “Ойтош” аслият даражасида ўзбекча роман сифатида қайтадан намоён бўлган. Ушбу роман “Жаҳон адабиёти” журналининг 2004 йил 9-12-сонларида чоп этилган.

Ҳис-ҳаяжонлар такрор сўзлар оркали ҳам ифодаланган: “Who – who – who,” he said, stammering with rage, “who asked this impudent fanatic into the house? Did you?” (Collins, 112). Ҳа! Ҳа! мен уйланганимда, Герн Кастлларга тўғри келмаган эдим. (Коллинз, 168), Эҳ боласи тушмагур, унинг ёшида пишиқроқ бўлса ҳам бўларди. (Коллинз, 167), “Қўй, қўй, азизим, - деди у жуда хотиржам оҳангда, - жаҳлинг чиқмасин, бечора Годфрига бунақа бағритошлик қилма” (Коллинз, 167), Сиз, сиз – сиз униг ғашини келтирдингиз. (Коллинз, 170)

3.3. Уилки Коллинз ҳаёти ва ижодини ўргатишнинг технологияси ва усуллари

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов 2012 йил 10-декабрда “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор чиқарди. Қарорда “замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг чет тилларига ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароитлар яратиш” асосий мақсад этиб белгиланган. Ушбу қарор ижросини

таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- таълим стандартларини такомиллаштириш, модернизациялаш;
- ўқув дастурларини замон талаблари даражасида такомиллаштириш;
- узлуксиз таълимнинг турли босқичлари ва соҳалари учун махсус дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш;
- чет тиллар ўқитишнинг замонавий услуб ва технологияларини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш;
- чет тиллар ўрганувчилар учун чет тилларда мулоқот шарт-шароитларини яратиш, газета, журналлар нашрини, теле ва радио ўқув дастурлар намойиши, чет тилларда фильм, мультфильмлар яратиш;
- чет тилларда бадиий асарлар (роман, пьеса, эртак, ҳикоя кабилар)ни ўқиш ва мутоала қилишга ўргатиш, бу орқали тил ўрганувчиларга мустақил, эркин ва ижодий фикрлашга ўргатиш кабилар.

Албатта таълим ҳам ижодий жараён. Унинг самарали бўлиши учун юқоридаги омиллар қаторида таълим субъекти бўлмиш ўқитувчининг салоҳияти, касбий билимлари даражаси, педагогик маҳорати муҳим роль ўйнайди. Халқимиз томонидан “нима эксанг, шуни ўрасан” деган мақол бекорга айтилмаган. Демак, устознинг савияси, салоҳияти қай даражада бўлса, шогирдлар билими ҳам ўшанга мос бўлади. Демак, ўқитувчи шу кунда, чет (инглиз) тилидан чуқур ва атрофлича билимларга эга бўлиши, компьютер ва мультимедиа воситаларидан самарали фойдаланиш малакаларига эга бўлиши, тил ўрганувчиларнинг ёши, жисмоний ва ақлий имкониятлари, руҳияти, касби, соҳасига оид атамаларни яхши билиши, энг муҳими кимга?, нимани? қай миқдорда?, қай тарзда? ўргатиш керак деган саволларга тўғри жавоб топа олиш керак.

Таълим жараёнининг яна бир муҳим жиҳати шуки, бу жараён педагогик мулоқот орқали амалга ошади. Ушбу мулоқот таълим субъекти ва таълим объекти (тил ўрганувчи(лар)) ўртасида кечади. Чет тиллар таълимида мана шу мулоқот қандай бўлиши, қандай ташкил этилишига ҳам кўпдан боғлиқ.

Маълумки, собиқ советлар даври чет тиллар таълимига назар ташласак, уни анъанавий таълим деб атаймиз, унда тил ўрганувчилар пассив тингловчи, ўқитувчи эса фаол ўргатувчи сифатида мулоқот қилган. Асосий эътибор тил қоидаларини ўргатиш ва монологик нутқни ўстиришга қаратилган. Бундай шарт-шароитлар тил ўрганувчиларга чет тилида ёзиш, ўқиш, тушуниш ва сўзлашиш кўникмаларини кенг ҳолда ўстириш имкониятларини чегаралаб қўйган эди. Замонавий чет тиллар таълими мутлақо бошқача мулоқот тарзини йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Яъни чет тили таълимида ўқитувчи

машғулот ташкилотчиси ролини бажаради. Тил ўрганувчилар эса ушбу жараённинг фаол иштирокчисига айланиши керак. Бу мулоқотни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

Эскича мулоқот



янгича мулоқот



Чет тиллар таълимида интерфаол мулоқот муҳим аҳамият касб этади. Бунда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида кечадиган мулоқот муҳимдир. Биз уни қуйидагича тасаввур этамиз:



Чет тиллар ўқитувчилари мана шу схема бўйича фаолиятларини ташкил этишлари мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу жараён ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар орасида фидойилик, ташаббускорлик ва ижодкорлик фазилатларини ҳам киритишни тақозо этмоқда. Бошқа сўз билан айтганда, чет тил ўқитувчиси ҳар бир машғулотга пухта тайёрланиши, унинг технологиясини бошдан-оёқ ишлаб чиқиши, бу жараёнда компьютер ва ахборот технологияларини самарали қўллай олиши, машғулотларни ноанъанавий тарзда (интерфаол ўйинлар, кейс, аклий ҳужум) ташкил эта олиш малакаларига эга бўлиши талаб этилади.

Шу кунги талаб, тил ўрганувчиларни турли тайёр ва тайёрланмаган нутқий вазиятларда чет тилида мулоқотга ўргатиш, ҳаётий ва соҳасига оид суҳбатларда ўз фикр ва ғояларини тушунтира олиш, оғзаки ва ёзма баён этиш, расмий ва норасмий суҳбатларда сўз ва жумлаларни тўғри қўллай олишга ўргатиш, нутқ маданиятини шакллантиришдан

иборат. Ҳар бир тил ўрганиш босқичида ана шуларнинг минимум ва максимум меъёрларини белгилаш ва ўқитиш зарур бўлади.

Халқимизнинг “тил билган эл билади” нақлини “тил билган дил билади” деб айтмоқчи бўламиз. Чунки инсон қанча кўп тил билса у ўша тил эгаси бўлган халқ, миллат тарихи, ҳаёт тарзи, урф-одатлари, кадриятлари, маданияти ва тилига оид билимларга эга бўлади, дунёқараши кенгайди, яхши-ёмонни фарқига боради. Бундай қиёслаш орқали Ватанга муҳаббат, уни асраб-авайлаш, тинч-осойишта ва фаровон ҳаёт бахтли ёшликка шукроналик фазилатлари янада ортади, мустаҳкамланади. Шу нуқтаи назардан чет тилларини ўргатиш жараёнида ҳам тилга, ҳам адабиётга эътибор қаратиш муҳимдир. Бусиз тил бир қанотли қушга айланиб қолади.

Умумтаълим мактабларининг қуйи синфларига ўқувчиларга масал, ҳикояларни эртақларни кейинги босқичларда эса таниқли ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодини ўргатиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бадиий асарларни мутоала қилиш жараёнида тил ўрганувчиларнинг сўз бойлиги ортади, фикрлаш доираси кенгайди, оғзаки ва ёзма нутқи ўсади, ижодий фикрлайди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Уилки Коллинзнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, ўргатиш технология ва усулларини яратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз ва қуйидаги педагогик технологияни тавсия этамиз. Бу технология тушуниб олиш, кўникма ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш босқичларидан иборат:

Биринчи босқич

У. Коллинзнинг ҳаётидан лавҳалар акс этган расмлар ва ҳаётига оид муҳим воқеалар акс этган сўз, сўз бирикмалари, асарлари рўйхати ва нашр йиллари видео проектр ёрдамида экранда намоиш этилади:

1) Расмларга қараб У. Коллинзнинг ташқи қиёфасини тасвирлаб беринг; қуйидаги сўзлардан фойдаланинг: figure, small, tall, handsome, complexion, serious, hear, black, weak, face, pale, eyebrows, eyelashes, his nose, strong willed.

2) Қуйида берлиган сўз ва сўз бирикмалари ёрдамида адиб таржимаи ҳолини сўзлаб беринг: English writer, born in London, father William Collins, painter, his mother Harriet Collins, to be interested in art, the author of detective novels, couldn't attend school because of his illness, started to go to school at the age of 11, visited Italy, the USA, wrote stories, his first story “The Last Stagecoachman” published in 1843, in 1851 he met with Ch. Dickens, in 1858 he married Carolina Gravers, “The Woman of White”, “Armadale”(1866), “The Moonstone”, hero sergeant Guff, in 1873 visited the USA, there, met M. Twain, H. Longfellow, died September 23, 1889.

3) “Ойтош” асари ҳақидаги муҳим маълумотларни билиб олинг: It consists of two parts and seven narratives. It was written in the form of narration interlaced with the elements of

dialogue. The first part is named “The loss of the diamond” (1848). It consists of 23 narrations. The second part is called “The discovery of the truth” (1848-1849) and made up 7 narratives including 16 stories. The epilogue is called “The finding of the diamond”, the prologue is called “The storming of Seringapatam” (1799). Main heroes: Betteredge, Mr. Bruff, Mr. Franklin Blake, sergeant Guff, Rachel, Rosanna Spearman, Verinder, Mr. Godfrey, Mr. Ablewhite, Mrs. Ablewhite and others.

Иккинчи босқич

1) Асардан олинган қуйидаги сўз, сўз бирикмалар ва жумлаларни ўзбек тилига таржима қилинг, гапларда қўлланг. Бу машқда “ким биринчи ва кўп” ўйини қўлланади. Синф уч гуруҳга бўлинади ва топшириқ мусобақа тарзида ўтказилади. Бунда “Пинборд” усули қўлланади. Мисоллар доскага ёзилади: to part with smb, to offer smb home, to steal the diamond, to be left alone, to be shocked, to shake one’s head, to find an opportunity, to inform smb, if I’m not mistaken, to be ashamed of smth, My own eyes have seen it, to bring bad news, at any rate, it’s no joke, I suspect you, to see smb take the diamond, Do you mind my asking you one or two questions? etc.

2) Қуйидаги сўз ва сўз бирикмаларини инглиз тилига таржима қилинг ва дарак, тасдиқ, танлов, махсус сўроқ гаплар тузинг: ухлагани ётмоқ, уйқуга кетмоқ, ухлай олмаслик, кимнидир ўйламоқ, оёқ товушини эшитмоқ, шамни пуфлаб ўчирмоқ, эшикни ёпмоқ, калит: to go to bed, to fall asleep, to blow out the candle, to close (shut) the door.

Учинчи босқич

1) “Ойтош” романидан олинган диалогни ижро этинг:

- Did you go to bed? or did you sit up?
- I want to bed.
- Did you notice the time? Was it late?
- Not very. About 12 o’clock, I think.
- Did you fall asleep?
- No. I couldn’t sleep that night.
- You were restless?
- I was thinking of you.
- Had you any light in your room?
- None – until I got up again, and lit my candle.
- How long was that, after you had gone to bed?
- About an hour after, I think. About one o’clock.
- Did you leave your bedroom?

- I was going to leave it. I had put on my dressing-gown; and I was going into my sitting-room to get a book.
- Had you opened your bedroom door?
- I had just opened it.
- But you had not gone into the sitting-room?
- No – I was stopped from going into it.
- What stopped you?
- I saw a light, under the door; and I heard footsteps approaching it.
- Were you frightened?
- Not then.
- What did you do?
- I blew out my candle, so that she might think I was in bed.
- Did you go to bed then?
- No. I had no time to go back. The sitting-room door opened, and I saw ---
- You saw?
- You.

2) “The Finding out the Diamond” бобини ўқинг ва унинг қисқа мазмунини сўзлаб беринг.

Ушбу технологияни бошқа адаблар ҳаёти ва ижодини ўқитишда ҳам қўллаш мумкин.

ХУЛОСА

Бадий асарлар услуби бошқа услублар орасида халқ жонли тилини бевосита ифода этувчи услуб ҳисобланади. Унда халқ фольклорлари, халқ ижодиёти жонли тилга оид барча жиҳатлар намоён бўлади, даврлар мобайнида ўз аксини топиб боради. Унда мамлакат, халқ, миллат тарихи, урф-одатлари, қадриятлари, маданияти, менталитети, тил ривожига у ёки бу даврдаги ўзгаришлар ўз ифодасини топиб боради. Бадий асар орқали ўқувчи жуда кўп билимларга эга бўладики, у ўқувчининг дунёқарашини шакллантиради, ривожлантиради, сўз бойлигини орттиради, мулоқот маданиятини, ижодий ва эркин, мустақил фикрлаш имкониятларини кенгайтиради. Ҳаётий муаммоларнинг тўғри ва ижобий ечимини топишга ўргатади. Шу жиҳатдан чет (хусусан инглиз) тилидаги бадий асарларни ўқиш, мутоала қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Битирув малакавий ишда инглиз тили сўз бойлигининг муҳим қисмини ташкил этувчи эмоционал-экспрессив лексик ва синтактик бирликлар ҳақида билимларга эга бўлиш, расмий ва норасмий нутқий вазиятларида, жонли нутқ шароитида воқеалашувида оид билимларни эгаллаш муҳим аҳамият касб этади. Бу жуда муҳим. Чунки бугунги кунда инглиз тили сўз бойлиги таркибига, синтаксиси таркибига кўпдан-кўп синоним, кўп маъноли сўзлар, омоним сўзлар, конструкциялар кирадики, уларни ўз ўрнида тўғри қўллаш ҳар доим ҳам кузатилавермайди. Жонли нутқда уларни нотўғри қўллаш мулоқотдан кўзда тутилган мақсадга путур етказди.

Эмоционал-экспрессив лексика ва синтактик бирликлар бадий асар матни ёки жонли мулоқот дискурсида учрайдиган, уни таъсирчанлиги, ифодалилиги ва бўёқдорлигини таъминлайдиган, мулоқот иштирокчиларининг турли рухий ҳолатлари (хурсандлиги, афсусдалиги, pushаймонлиги, ўкинчи, азоби, эътирози, жаҳли кабилар)ни ифодалайдиган тил бирликларини тушунамиз. Уларнинг барчаси бадий адабиётда ўз аксини топади. Асосан диалогик дискурс чоғида намоён бўладилар ва матн, баён ва мулоқот ранг-баранглиги, таъсирчанлигини таъминлайдилар. Уларнинг бир қисми тил қонун-қоидалари доирасида шаклланган бўлса, бошқалари адабий тил нормалари учун ностандарт ҳолат ҳисобланади. Шундай эса-да уларни лингвистика нуқтаи назаридан таҳлил этиш, мақомини аниқлаш, прагматик ва стилистик хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим. Ушбу инглиз ва америка ёзувчилари асарлари мисолида тадқиқ этиш нафақат ёзувчининг услуби, тили балки инглиз тилидаги коммуникатив ва нокоммуникатив бирликларнинг жонли нутқда (диалог ва полилогларда) намоён бўлишининг ўзига хосликларини, керак бўлса қонуниятларини очиқ беради. Юқоридагилар Уилки Коллинз ва Эрнест Хемингуэй асарлари таҳлили асосида ўрганилди ва қуйидаги хулосаларга келинди:

Уилки Коллинз XIX аср англиз адабиётида детектив жанрда ўлмас асарлар яратган ёзувчидир. Унинг қаламига мансуб ва унга хурмат-эътибор, шуҳрат келтирган асар (роман) “Ойтош”дир. Асар икки қисм, еттита боб (narrative) сўз боши ва эпилогдан иборат. Асарнинг биринчи қисми “The loss of the Diamond” (Олмосни йўқолиши), иккинчи қисм “The discovery the truth” (Ҳақиқатнинг очилиши), хотима эса “The finding of the Diamond” (Олмос қандай топилди) деб номланади. Сўз боши эса “The storming of Seringapatam” деб аталади. Асар 50га яқин узун ва қисқа ҳикоялардан иборат. Асар баён тарзида ёзилган бўлиб, у диалогларни ва баён тарзида ёзилган хатларни ўз ичига олади.

Ёзувчининг тили ўртача қийинликда бўлиб, баёнларда мураккаб ва қўшма гаплар кўп учрайди. Диалоглар эса содда, ихчам, эллиптик синтактик қурилмалардан иборат. Эмоционал-экспрессив бирликларнинг аксарияти диалогик дискурс таркибида кўп учрайди.

Диалоглар таркибига кирган синтактик қурилмаларнинг аксарияти эллиптик гаплар бўлиб, уларнинг бир қисми тил ички қонуниятлари доирасида ана шундай шаклга эга бўлса, бошқалари нутқ вазияти доирасида у ёки бу шаклда келади: And not a trace of them has been discovered? – Not a trace.

Асар матнини зерикарли такрорлардан халос этиш учун у ёки бу сўз ёки гап ўрнида унинг ўрнини ўша вазиятда қопловчи birlikлар ишлатилган. Булар қаторига асарда қўлланилган Yes, no, one, that, it, this кабилар киради.

Асар матни баёни ва диалогларда риторик ҳолда баён жараёнидаги саволлар ҳам кўп қўлланилган бўлиб, улар ўқувчини у ёки бу масала бўйича фикрлашга, бош қотиришга чорлайди, ўша воқеалар жараёнига олиб киради: what do you think she wanted? She wanted to have the three Indian jugglers instantly taken up. Биз билган тасдиқ сўроқ гаплар сўзловчи мақсадларидан келиб чиқиб турлича маънолар касб этиши мумкин экан:

I do my work, don't I? – Мен ўз ишимни бажарябман-а? Мен ўз ишимни бажарябман-ку! Мен ўз ишимни бажарябманми? кабилар.

Ифодалилиқ маъносида умумий сўроқ гап шаклидаги “Isn't it wonderful?”, “Isn't it terrible?” гаплари матнда тасдиқ маъносида келмоқда: Ажойиб-а? Даҳшатли-а?

Ундов гапларнинг кўп қўлланилганлиги диалоглар ҳис-ҳаяжонли вазиятларга бой эканлигидан дарак беради: But, oh, don't let us judge!, Stop! Stop!, why didn't I speak to you! Дарак, сўроқ, буйруқ гаплар ундов белгиси билан келмоқда: ундов буйруқ: Stop!, Oh, don't say so!

ундов махсус: What have you done!

дарак сўроқ: And so he recommended you to come to me?

Асар матнида қатор такрор сўз, ибора ва гаплар қахрамонлар руҳий ҳолатини ифода этиш учун қўлланилган. Мистер Эблвайт чақирилмаган меҳмон ташрифидан аччиқланиб, дудуқланиб айтади: who? – who? –who? You? (Сенми?). Ёки мистер Эблвайт Рачел уни ташлаб кетаётганлигидай эсанкираб, довдираб қолади, асаби таранглашади ва дейди Stop! Stop! Rachel! I can't part with you. I can't part with you!

Ўқувчи эътиборини тортиш, гап ёки матн ифодалилигини таъминлаш учун муаллиф баъзи гап ва кичик матнларни катта ҳарф билан ёзган: I SAW YOU TAKE THE DIAMONDS WITH MY OWN EYES!

Турли руҳий ҳолат ва ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи oh, eh, ah, alas кабилар кўп қўлланилган: Ah! said the sergeant, Oh! I said.

Таржима жараёнида эмоционал-экспрессив бирликлар ўзбек тилига асосан мувофиқ бирликлар орқали таржима қилинишини кузатдик. Масалан:

Oh! – O!, Ўхў-хў!, alas – афсуски, Ah! – Ох!, Эх!.

XX аср америка адабиётининг ёрқин намоёндаси Эрнест Миллер Хемингуэйнинг “Алвидо, курол!” асарида ҳам юқорида санаб ўтилган ва кузатилмаган ифодали ва эмоционалликка эга тил бирликларини кузатдик. Асар тили У. Коллинзникидан кўра мухтасар ва ихчам эканлигини кузатдик. Асарда диалоглар нисбатан кўп учрайди: Everybody is proud of you.

Инглиз тилининг америка вариантыга хос сўз ва иборалар кўп учрайди: good-by(e), shall ўрнига барча шахсларда will қўлланиши, эллиптик гаплар: Really?, Then go to Switzerland? How? (How do I do?).

Синонимик такрор қўлланилган: Passing's dead. He is dead. Маънони кучайиш ҳодисаси ҳам ифодалилиқ ва таъсирчанликни таъминлаган: You do love me? I really love you. I'm crazy about you. I'm just mad about you.

Прагматик маънога эга гаплар ҳам асарда талайгина бўлиб, улар ҳам асар ифодалилигини таъминлаган. Ёзувчи “У жасур (ботир) киши эди” гапи ўрнида “У қўрқоқ эмасди” каби гапларни қўллаган: He is no coward, I do not deny it (I admit it), You never seen old (you are ever young) кабилар.

Эмоционал-экспрессив ва ноэмоционал-ноэкспрессив тил бирликларини турли нутқий вазиятларда тўғри қўллашга ўргатишни инглиз ва америка ёзувчилари асарлари мутоласи, ижодини ўргатиш орқали амалга ошириш муҳим. “Уилки Коллинзнинг ҳаёти ва ижоди”ни ўрганиш бўйича биз томонимиздан тайёрланган уч босқичли машғулот педагогик технологияси юқоридаги мақсадларни рўёбга чиқаришда самара беради деб ўйлаймиз. Ушбу педагогик технология нутқ ва тил машқларидан иборат бўлиб, тил ўрганувчиларга ижодий ва эркин фикрлашларига йўналтирилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И. А. “Баркамол авлод орзуси” Тошкент 1998.
2. Каримов И. А. “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида” “Халқ сўзи” 2012 йил 11-декабр
3. Абдувалиев М. А. ва бошқалар. Э. М. Хемингуэйнинг “Алвидо, Қурол!” асарида қахрамонлар нутқининг лингвистик ва стилистик жиҳатлари. Андижон, 2013
4. Азизов Л. Қ. Чет эл адабиёти Т., 1987.
5. Andreyev L.T. Ernest Hemingway., М., “Hudojestvennaya literatura”, 1988.
6. Арнольд И. В. The English word. Высшая школа. М. 1973
7. Баскаков Н. А. ва бошқалар “Умумий тилшунослик” Тошкент. 1979.
8. Бархударов Л. С. “Язык и перевод” Москва. 1975.
9. Бойназаров Ф. “Жаҳон адабиёти” Тошкент. 2006
10. Бобохонова Л. Т. “Инглиз тили стилистикаси” Тошкент. 1995.
11. Бегматов Э. ва бошқалар “Адабий норма ва нутқ маданияти очерклари” Тошкент. 1988.
12. Комиссаров В. Н. Теория перевода. Москва. 1989
13. Миньяр-Белоручев Р. К. “Последовательный перевод”. Москва. 1976
14. Миньяр-Белоручев Р. К. “Общая теория перевода и устный перевод”. 1980.
15. Саломов Ғ. “Таржима назариясига кириш”. 1978.
16. Саломов Ғ. “Тил ва таржима” 1966.
17. Содиков А. ва бошқалар “Тилшуносликка кириш” Тошкент. 1981.
18. Crystal D., Davy D. Investigating English Style. London. 1969.
19. Мухаммаджонова Г. “Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари” Тошкент. 1982.
20. Шарипов Ж. “Ўзбекистонда таржима тарихидан”. Тошкент. 1965.
21. Қиличев У. Э. “Ўзбек тилининг практик стилистикаси” Тошкент. 1985.
22. Хемингуэй Э. “Алвидо, қурол!”. Т., 1973.
23. Hemingway E. A farewell to arms. М., progress publishers, 1976
24. Wilkie Collins “The Moonstone”. www.gutenberg.org
25. Jahon adabiyoti - №9. Т. 2004.